ФДУ «Нусха кўпайтириш бўлими»
11.2008 йил Бую. № 240, адади 00.

А.Р. ЮНУСОВ

# Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар

Фарғона-2007

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанидан**

**Амалий машғулотлар учун**

# УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

**Муаллиф:** А.Р. Юнусов

**Мухаррир:** проф. А.Ғ. Ғофуров

**Тақризчилар:** и.ф.н., катта ўқит. Д. Хакимов
и.ф.н., доцент И.Т. Ёрматов (ФарПИ)

Фарғона давлат университетининг 2007 йилдаги _____ июнь _____ сонли Илмий кенгаш қарори билан нашрга тавсия этилган.

Фарғона - 2007

## Кириш

Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодчи мутахассисларини тайёрлайдиган барча факультетларида таянч иқтисодий фанлардан бири хисобланган "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" фанини ўқитишнинг аҳамияти каттадир.

Фаннинг мақсади ва вазифалари, унинг ўқув жараёнида тутган ўрни нимадан иборат? Маълумки, жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 290 дан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб, бу давлатлар ўз хўжалик иқтисодиётини ва халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришлари билан уч гурухга (ривожланган, ривожланаётган, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларга) бўлинади. Улар ўзларининг бир неча асрлар давомидаги иқтисодий ривожланишида турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий босқичларни босиб ўттанлар.

Кишилик жамиятида синфий жамиятнинг вужудга келиши (бу ҳолат турли давлатларда турли даврларда рўй берган) билан боғлиқ ҳолда, бозор муносабатлари ҳам турлича шаклланиб борди. Бозор муносабатлари дастлаб XVII- XIX асрларда Ғарбий Европанинг бир қатор давлатларида (Голландия, Англия, Франция, Германия) тез ривожланиб борган бўлса, бу мамлакатлар томонидан мустамлака қилинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари (Ҳиндистон, Туркия, араб давлатлари, Мексика ва бошқалар) иқтисодиёти эса ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ниҳоятда тушкунликка тушиб қолган эди. Шундай қилиб, бозор муносабатлари бу даврда жаҳоннинг деярли барча давлатларида ҳукмрон бўлгани билан унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий оқибатлари турлича бўлган эди

Ҳозирги жаҳон иқтисодиёти ўз тавсифи бўйича турли бўлган омиллар таъсири остида ривожланмоқда. Улар қуйидагилардир:

- жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқурлашуви;
- анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсининг

кенгайиши;

- капитал миграциясининг интенсивлашгани ва трансмиллий корпорациялар фаолиятининг диверсификацияси;
- илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги, хизматлар соҳасининг ривожланганлиги;
- ишчи кучи миграциясининг ўсганлиги;
- давлатлар ва минтақалар иқтисоди интеграциялашуви жараёни тезлашганлиги ва кенгайиши;
- янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини ўсиши;
- бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар доирасидаги ўзгаришлар.

Бу ўзгаришларнинг барчаси биз қуйида келтирадиган адабиётларда етарлича баён этилган.

"Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" фанидан маърузаларни тайёрлашда хорижий ва маҳаллий олимларнинг асарларидан фойдаланилди. Жумладан,


1. **Пазарова Г.Ғ.,Ҳалилов Ҳ. ЭштоевА., Хакимов Н.З.,Солиҳова Н.,Бобожонов** Б.Р. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар"-.Т.,2006.
2. **Назарова Г.Ғ., Хакимов Н.З.,** "Халқаро иқтисодий муносабатлар"-.Т.,2005
3. Мировая экономика Экономика зарубежных стран: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. **В.П. Колесова** и д-ра экон.наук, проф. **М.Н. Осьмовой**.2-е изд.-М.: Флинта: 2004
4. **Киреев А.П.** Международная экономика. В 2-х ч. Ч. I Международная мироэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вўзов.- М.: Междунар. Отношения, 2004
5. **Авдокушин Е.Ф.** Международные экономические отношения: Учебник.-М.: Юристь, 2004
6. **Кудров В.М.** Мировая экономика: Учебник.-М .: Издательство БЕК 2005
7. **Daniels J.D** . International business . Prentice Hall . 2006





8. **Ball D.**, **McCulloch W** . International business . Irvin Mc Graw-Hill. 2005


Бу адабиётларнинг барчасида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги замон йўналишлари атрофлича ва тўла кўрсатилган. Лекин, ҳали талабаларга ҳар бир мавзуни ўрганиш бўйича услубий тавсиялар, мавзу бўйича тестлар ва уларни ечиш услубиёти, мисол сифатида кейс-стадилар саволларини тузиш ва уларга жавоб бериш, интерфаол усулларда мавзуларни таҳлил қилиш бўйича махсус адабиёт нашрдан чиққани йўқ. Ушбу услубий кўрсатма талабаларнинг мустақил тайёргарлиги учун муҳим қўлланма бўлади деб, ўйлаймиз.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанига
ўқув режасида ажратилган соатлар умумий ҳажми ва бўйича баллар тақсимоти

Умумий соат - 72
Маъруза –36
Амалий машғулот –36

| Фан бўйича максимал балл – 100 шу жумладан: | Ўзлаштириш кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида) |
|---|---|
| Жорий баҳолаш - 45 балл | 86 – 100 |
| Оралиқ баҳолаш - 40 балл | 71 – 85 |
| Якуний баҳолаш -15 балл | 56 – 70 |
| Саралаш бали 55 % - | 0- 55 |

## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАНИ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

| № | Мавзу номи | жами соат | шу жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | маъруза | амалий |
| **I бўлим Кириш. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий хусусияти ва ривожланиш динамикаси.** | | | | |
| 1 | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: фанининг предмети ва услубиёти | 4 | 2 | 2 |
| 2 | Жаҳон хўжалигининг субъектлари. Замонавий жаҳон хўжалигидаги мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти. | 4 | 2 | 2 |
| 3 | Замонавий жаҳон хўжалигининг ресурслари. Халқаро меҳнат тақсимоти. | 4 | 2 | 2 |
| 4 | Халқаро савдо назарияларининг замонавий аҳамияти | 4 | 2 | 2 |
| **II бўлим Ривожланган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрни** | | | | |
| 5 | Ривожланган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрни. АҚШ иқтисодиёти | 4 | 2 | 2 |
| 6 | Германиянинг Ғарбий Европадаги тутган ўрни Япония- Осиёнинг саноати ривожланган етакчи мамлакати | 4 | 2 | 2 |
| 7 | Халқаро корпорациялар халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъекти сифатида | 4 | 2 | 2 |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **III бўлим Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий хусусиятлари** | | | | |
| 8 | Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тавсифи | 4 | 2 | 2 |
| 9 | Хитой иқтисодиётининг динамикаси | 4 | 2 | 2 |
| 10 | Янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги тутган ўрни Эркин иқтисодий зоналар. | 4 | 2 | 2 |
| **IV бўлим Ўтиш даври иқтисодиётя хусусиятлари** | | | | |
| 11 | Ўтиш даври иқтисодиётининг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Россияда амалга ошиши. | 4 | 2 | 2 |
| 12 | Марказий Осиёнинг Жаҳон иқтисодиётидаги имкониятлари | 4 | 2 | 2 |
| 13 | Ўзбекистонни жаҳон хўжалигига қўшилишининг имконият ва муаммолари. | 4 | 2 | 2 |
| **V бўлим Халқаро товарлар ва омиллар айирбошланиши** | | | | |
| 14 | Халқаро савдо | 4 | 2 | 2 |
| 15 | Халқаро ишчи кучи миграцияси | 4 | 2 | 2 |
| 16 | Капитал ва хорижий сармояларнинг халқаро кўриниши. | 4 | 2 | 2 |
| 17 | Халқаро иқтисодий интеграция ва унинг турли худудлардаги кўриниши. | 4 | | |
| 18 | Халқаро молиявий капиталнинг иқтисодий тавсифи ва замонавий валюта-молия муносабатлари. | 4 | 2 | 2 |
| | Соатлар умумий ҳажми | 72 | 36 | 36 |

**Жаҳон иқтисодиёти ва Халқаро иқтисодий муносабатлар фанидан рейтинг технологик картаси,**

| № | Назорат турлари | Ўтиладиган дарс жуфтлиги | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | |
| 1 | Жорий | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 10 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | | | 45 |
| 2 | Оралиқ | | | | | | | | | 20 | | | | | | | | 20 | | 40 |
| 3 | Якуний | | | | | | | | | | | | | | | | | | 15 | 15 |
| | Жами: | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 10 | 2 | 22 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | 20 | 15 | 100 |

шу жумладан:

**А. Жорий назорат жадвали**

| | Назорат тури | Ўтиладиган дарс жуфтлиги | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Жорий баҳолаш | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 45 |
| а | Амалий машғулот (Талабанинг маъруза ва амалий машғулотларда фаоллиги) | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | | | | 28 |
| б | Тест | | | | | | | 8 | | | | | | | | | | | | 8 |
| в | Якуний коллоквиум | | | | | | | | | | | | | | | | 9 | | | 9 |
| | Жами: | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 10 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 | | | 45 |



**Б. ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ЖАДВАЛИ**

| № | Назорат тури | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Оралиқ назорат | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 40 |
| | Компьютер-ТЕСТ | | | | | | | | | 20 | | | | | | | | | | 20 |
| | Power point presentation | | | | | | | | | | | | | | | | | 20 | | 20 |
| | Жами: | | | | | | | | | 20 | | | | | | | | 20 | | 40 |

**В. ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ЖАДВАЛИ**

| № | Назорат тури | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Якуний назорат | | | | | | | | | | | | | | | | | | 15 | 15 |
| | Жами: | | | | | | | | | | | | | | | | | | 15 | 15 |

**Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар курси бўйича амалий машғулотлар мавзуси**

**1 мавзу:**

**Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари**

**I. Режа:**

**1.1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети ва услубиёти.**

**1.2.Жаҳон хўжалиги ривожланишининг босқичлари ва тенденциялари.**

**1.3.Очиқ иқтисодиётнинг моҳияти.**

**1.4. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг характери ва ўзига хос томонлари.**

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалари**

Жаҳон хўжалиги, миллий хўжалик, халқаро меҳнат тақсимоти, жаҳон хўжалик системаси, халқаро иқтисодий муносабатлар мазмуни, халқаро иқтисодий муносабатларнинг структураси,очиқ иқтисодиёт.

**III. Мавзудан кўзланган мақсад:**

1 Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларга хос бўлган ибораларни аниқлаш ва уларга таъриф бера олиш;
2 Бошқа фанлардан (иқтисодий назария, иқтисодий таълимотлар тарихи, иқтисодий география, маркетинг, менежмент, макро ва микро иқтисод) олинган билимлардан халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири нуқтаи назаридан фойдалана билиш;
3 Жаҳон хўжалигини ривожланишини босқичларини ўрганиш;
4 Ҳозирги замон иқтисодиётида очиқ иқтисодиётнинг моҳиятини тадқиқ қилиш;



**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

Биринчи савол юзасидан сиз жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар каби асосий тушунчаларга таъриф берасиз, шундан сўнг Жаҳон хўжалиги ва умумжаҳон иқтисодий алоқалар ҳозирги замон хусусиятлари масаласига тўхтайсиз. Бунинг учун ўзаро ҳамкорлик ва глобализация жараёнларининг қарама-қарши, диалектик характерини тушунишга ҳаракат қилинг. Халқаро иқтисодий муносабатлар назариясининг предмети икки асосий қисмдан иборат эканлигига эътибор беринг. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига қуйидагилар киради:

1. халқаро меҳнат тақсимоти
2. халқаро товарлар ва хизматлар савдоси
3. халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати
4. халқаро ишчи кучи миграцияси
5. халқаро волюта-молия ва кредит муносабатлари
6. халқаро иқтисодий интеграция.

Шу муносабатлар фанининг асосий субъектлари эканлигини асослашга ҳаракат қилинг.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо) жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам мавжуд эканлигини эсланг (Буюк Ипак Йўли, Европа-Шимолий Африка), лекин бу муносабатлар фақат минтақавий характерга эга эканлигини асосланг.

Иккинчи савол юзасидан Жаҳон хўжалиги ривожланишининг тарихий босқичларини асослашга ҳаракат қилинг. Масалан, Рим империяси бутунжаҳон хўжалик тизими бўлмаган. Буюк географик кашфиётлар даври- XV-XVI асрлар ҳам яхлит жаҳон хўжалиги чекланган бўлиб, фақат бир хилги маълум товарлар (қандай товарлар эканлигини аниқланг.) билан савдони билдирар эди. Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан сўнг XIX аср охири - XX аср бошида қарор топди. Жаҳон хўжалигининг ривожланиш эволюциясига эътибор беринг ва ички бозор, миллий бозор, жаҳон бозори ва халқаро бозор тушунчаларига таъриф беринг.

Учинчи савол юзасидан қуйидаги савол уни тўла ёритилишига

имкон беради: жаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашуви ва характерига, унинг очиқлиги даражаси ошишига таъсир кўрсатаётган омиллар қайси, унда давлатнинг роли қандай? Бу ерда транс миллий корпорацияларининг фаолиятини ёритилиши максадга мувофиқ.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалликларини ёритиб беришга ҳаракат қилинг.

- ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши
- ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш.
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши
- жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Очиқ иқтисодиётлиликнинг маълум индекаторлари мавжуд. Булар экспорт квотаси, импорт квотаси ва ташқи савдо квотасилир. Шуларни аниқлаш зарур, мамлакатлар бўйича кўрсаткичларни келтириш ва таққослаш мумкин.

**Тўртинчи савол юзасидан** глобализация жараёнининг халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш характери ва тенденциясига таъсирини баён қилишда қуйидаги омилларга эътибор беринг.

1. жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқурлашуви.
2. анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси микёсининг кенгайиши
3. капитал миграциясининг интенсивлашгани ва транс миллий корпорациялар фаолиятининг диверсификацияси.
4. илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги, хизматлар соҳасининг ривожланганлиги
5. ишчи кучи миграциясининг ўсганлиги,
6. давлатлар ва минтақалар иқтисоди интеграциялашуви жараёни тезлашганлиги ва кенгайиши.

**<u>V. Такрорлаш учун саволлар:</u>**

1. Жаҳон хўжалиги нима ва унинг характерли хусусиятлари нимада намоён бўлади?



2. Халқаро иқтисодиёт тушунчасига таъриф беринг. Уни жаҳон бозори, жаҳон хўжалигидан фарқлайдиган ва умумлаштирадиган хусусиятларини аниқланг.
3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг аниқ шаклларини санаб беринг
4. Халқаро меҳнат тақсимоти деганда нимани тушунасиз?
5. Очиқ иқтисодиётга таъриф беринг.

**<u>VI мавзу бўйича тестлар</u>**

**Жаҳон хўжалиги тушунчаси нимани англатади?**

а) бозор иқтисодиёти тамойиллари бўйича ривожланаётган миллий хўжаликлар йиғиндиси
б) халқ хўжалигининг йиғиндиси
в) халқаро иқтисодий муносабатлар йиғиндиси
г) бозор иқтисодиёти тамойиллари бўйича ривожланаётган мамлакатлар гуруҳлари

**Эркин бозор иқтисодиётининг классик модели қайси даврларга тегишли?**

а) XX-XXI асрлар;
б) XIX-XX асрлар;
в) XVIII-XX асрлар;
г) XVI-XVII асрлар.

**Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига кирувчилардан биттаси нотўғри:**
а) халқаро ишчи кучи миграцияси;
б) халқаро товар ва хизматлар савдоси;
в) халқаро меҳнат тақсимоти;
г) халқаро валюта ва кредит муносабатлари Д) автократик характерга эга;
д) халқаро спорт мусобақаларни ривожлантириш.

**Жаҳон хўжалигининг ривожланиш босқичлари бошланган давр:**
а) Иккинчи жаҳон урушидан сўнг;
б) XIX-аср охири – XX-аср бошидаги саноат инқилобидан кейин;
в) Буюк географик кашфиётлар бошланган даврдан;
г) Рим империяси давридан;
д) Буюк Ипак йўли давридан.

**Замонавий жаҳон хўжалигининг ўзига хослигя кўрсаткичларидан биттаси нотўгри:**
а) халқаро меҳнат тақсимотининг қонун-қоидаларига асосланади;
б) бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланади;
в) очиқ иқтисодиёт қонун-қоидаларига асосланади;
г) глобал характерга эга.

**Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркиби неча турга бўлинади?**
а) 3;
б) 4;
в) 6;
г) 5.

**<u>VII. Кейс-стади</u>**
**<u>VIII. Муҳокама учун саволлар:</u>**

**<u>IX. Адабиётлар:</u>**


- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2005.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004. с. 19-59;
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003. с. 29-36
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004. с. 33-44;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004. с. 10-51;
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П.





Колесова и М.И. Осьмовой. М.:, «Флинта», 2004. с. 10-53
- Спиридонов И.А. Мировая экономика. Уч. пос. Инфра-М. 2004. с. 9-15


**<u>X. Ушбу мавзу юзасидан диаграмма, схема ва шакллар слайдлари</u>**






**2 мавзу: Жаҳон хўжалигининг субъектлари. Замонавий жаҳон хўжалигидаги мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти**

**I. Режа:**

**2.1. Жаҳон хўжалиги ва миллий иктисодиётлар – замонавий жаҳон хўжалигини субъектлари сифатида.**

**2.2. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар типологияси.**

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалари**

*Жаҳон хўжалигининг субъектлари, ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар, янги индустриал мамлакатлар, ОПЕК, ривожланиши ўртача бўлган мамлакатлар, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар, жаҳон мамлакатларининг иқтисодий дифференциацияси мезонлари.

**III. Мавзудан кўзланган мақсад:**



- Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигининг субъектларини ўрганиш;
- Жаҳон иқтисодиёти давлатларининг асосий турлари ва мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи кўрсаткич ва мезонларни аниқлаш;
- Мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини белгилаш услублари билан танишиш;
- Миллий иқтисодиётларнинг жаҳон хўжалик алоқаларида тутган ўрнини топа билиш.

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

Биринчи савол юзасидан замонавий жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектлари

- Миллий хўжаликлар
- Ҳудудий, иқтисодий ва интеграцион бирлашмалар
- Халқаро корпорациялар
- Халқаро иқтисодий ташкилотлар –эканлигини батафсил баён қилинг ҳамда ушбу хулосангизни жаҳон хўжалигининг асосий субъектларининг ўзаро алоқаларини мураккаб иқтисодий тизимини ташкил қилишини асосланг.

Иккинчи савол юзасидан сиз миллий иқтисодиётнинг ҳеч бири жаҳон хўжалиги ва жаҳон иқтисодиётидан айрим ҳолда, бошқа бир миллий иқтисодиётлар билан ўзаро муносабатларга киришмай туриб ривожлана олмаслигини тушунишга ҳаракат қилинг.

Дунёдаги барча мамлакатларнинг жаҳон хўжалик алоқаларида тутган ўрни, энг аввало, уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Бу кўрсаткичлар қаторига мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ёки ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмини, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ёки ЯММни, ўртача иш ҳақи миқдорини, ташқи савдо операциялари ҳажмини, капитал ҳаракатидаги кўрсаткичларни, мамлакатларнинг ташқи қарзларини миқдорлари ва.х.к ларни киритиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларнинг гуруҳлари ҳақида тўла тасаввурни сиз кўпчилик мамлакатлар аъзо бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банкининг маълумотларидан олишингиз мумкин. Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг классификациясига кўра жаҳон мамлакатлари ўз иқтисодий ривожланиши ва хўжалик юритишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра уч гуруҳга бўлинишини аниқланг.
Саноати ривожлаган мамлакатлар бу Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Тинч Океани ҳавзасида жойлашган даромадлари юқори бўлган мамлакатдир. Сиз жаҳон сиёсий харитасида саноати ривожланган мамлакатларни топинг
У ёки бу мамлакатни саноати ривожланган мамлакатларни қаторига қўшишнинг мезонлар талаблари қандай ва улар нечталигини аниқланг.
XXI асрнинг бошида саноати ривожланган мамлакатларга -

- жаҳон аҳолисининг 16,7 %;
- жаҳон ЯИМнинг ярмидан кўпроғи (2002 йил – 55,3 %);
- жаҳон товарлар ва хизматлар экспортнинг 72,2 % ва импортнинг 74,6 %;
- бевосита хорижий инвестиция 70% тўғри келади. Шу маълумотларга асосланиб, саноати ривожланган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини асосланг.

Бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган саноати ривожланаётган мамлакатлар ва худудларга Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 130 давлати тўғри келади (Жаҳон сиёсий харитасида саноати ривожланаётган мамлакатларни топинг) ва уларнинг қайси белгиларга кўра ушбу гуруҳга киритилишини аниқланг.
Ривожланаётган мамлакатларга:

- жаҳон аҳолисининг 76 %;
- жаҳон ЯИМининг 37 %;
- жаҳон товар ва хизматлар экспортининг 18 % тўғри келган. Шу маълумотларга асосланиб, саноати ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини асосланг.

Ривожланаётган мамлакатларнинг турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда, улар турли мезонларга ҳудудлар бўйича, асосий экспорт қилинадиган маҳсулотига қараб, ЯИМ маҳсулотида саноат ишлаб чиқаришининг улуши бўйича, иқтисодий тараққиёти бўйича турли гуруҳларга бўлинишини ўрганиб чиқинг ва ушбу гуруҳ ичидаги дифференциацияга алоҳида эътибор беринг.



Маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ҳақида гапирганда, сиз Марказий ва Шарқий Европа – Собиқ СССРнинг 21 мамлакатнинг умумий томонлари ва сўнгги15 йил ичида юз берган глобал ўзгаришларни эсланг.

15 йиллик ўтиш даврининг натижасида бу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни сусайди:
- ЯИМ 50-йилда 12,6 % бўлса, 2005-йилга келиб 5,8% тушди.
- жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида уларнинг улуши 4,4 % ташкил қилди. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига ЯИМ умумжаҳон даражасининг 60% ташкил этади. Умумий хулоса қилаётган пайтда шуларни ҳисобга олинг.

## V. Такрорлаш учун саволлар:

1.Замонавий жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектлари нечта?
2. Дунёдаги мамлакатларнинг жаҳон хўжалик алоқаларида тутган ўрнини қайси кўрсаткичларга асосланиб аниқлаш мумкин?
3. Саноати ривожланган мамлакатлар қайси мезонларга кўра турли гуруҳларга бўлинади?
4. Саноати ривожланаётган мамлакатларнинг дифференциациясига сабабларни кўрсатинг
5. Саноати ривожланаётган мамлакатларнинг гуруҳларга бўлиниш мезонларини топинг.
6. Маъмурий буйруқбозлик тизимдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларга қайси мамлакатлар киради ва уларнинг ичида дифференциация борми?
7. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалик алоқаларида тутган ўрнини аниқланг.

## VI. Мавзу бўйича тестлар

**Жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар классификацияси қуйидагича:**

а) ривожланган, ривожланаётган, классик ривожланаётган, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги давлатлар

б) ривожланган, ривожланаётган, ЯИМ
в) ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар
г) катта еттилик давлатлари, ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар, янги индустриал давлатлар

**Янги индустриал давлатлар жаҳоннинг қайси регионида жойлашган?**
а) Осиё-Тинч океани региони
б) Африка региони
в) Лотин Америкаси региони
г) а ва в жавоблар тўғри

**Янги индустриал давлатлар жаҳоннинг қайси регионида жойлашган?**
а) Осиё-Тинч океани региони
б) Африка региони
в) Лотин Америкаси региони
г) а ва в жавоблар тўғри

**Ҳозирги кунда Ҳиндистон Республикаси ўз ривожланишига кўра қандай мамлакат?**

а) Индустриал
б) Аграр
в) Аграр-индустриал
г) Индустриал-аграр

**<u>VII. Кейс-стади</u>**

**Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг аҳоли жон бошига Ялпи Ички Маҳсулот бўйича жойлашуви.**



| Аҳоли жон бошига Ялпи Ички Маҳсулот бўйича жойлашуви (бозор алмашув курси бўйича) | | | Аҳоли жон бошига Ялпи Ички Маҳсулот бўйича жойлашуви (сотиб олиш қобилияти бўйича) | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўрин | Мамлакат | АҚШ доллари | Ўрин | Мамлакат | АҚШ доллари |
| 1. | Люксембург | 77595 | 1 | Люксембург | 66821 |
| 2. | Норвегия | 61852 | 2 | Норвегия | 41941 |
| 3. | Швейцария | 52879 | 8 | Швейцария | 33168 |
| 4. | Исландия | 52063 | 5 | Исландия | 35686 |
| 5. | Ирландия | 50303 | 4 | Ирландия | 40003 |
| 6. | Дания | 49182 | 6 | Дания | 34718 |
| 7. | Швеция | 42392 | 18 | Швеция | 29537 |
| 8. | АҚШ | 41917 | 3 | АҚШ | 41557 |
| 9. | Қатар | 39607 | 17 | Қатар | 29607 |
| 10 | Австрия | 39292 | 9 | Австрия | 32962 |
| 11 | Финляндия | 39098 | 13 | Финляндия | 30818 |
| 12 | Голландия | 38320 | 14 | Голландия | 30363 |
| 13 | Буюк Британия | 38698 | 15 | Буюк Британия | 30309 |
| 14 | Бельгия | 37730 | 10 | Бельгия | 31549 |
| 15 | Япония | 37565 | 11 | Япония | 31384 |
| 16 | Франция | 35727 | 20 | Франция | 29203 |
| 17 | Германия | 35075 | 16 | Германия | 30150 |
| 18 | Канада | 34023 | 7 | Канада | 34444 |
| 19 | Австралия | 33629 | 12 | Австралия | 31020 |
| 20 | Италия | 31874 | 19 | Италия | 29414 |

**<u>VIII. Муҳокама учун саволлар:</u>**
Ушбу жадвални ва "сотиб олиш қобилияти бўйича" тушунчасини таҳлил қилинг.

**<u>IX. Адабиётлар:</u>**


- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2005.

- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004. с. 19-59;
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристъ. 2003. с. 29-36;
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004. с. 33-44;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004. с. 10-51;
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П. Колесова и М.И. Осьмовой. М.:, «Флинта», 2004. с. 10-53


**X.Ушбу мавзу юзасидан диаграмма, схема ва шакллар слайдлари**

**1. Жаҳон хўжалиги турли гуруҳ мамлакатлари.**

Жаҳон хўжалиги миллий хўжаликлар ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуидир. Жаҳон хўжалигини ташкил этувчи давлатлар бир нечта гуруҳларга бўлиниб ўрганилади. Ягона иқтисодий қонунлар асосида ривожланишига қарамасдан, дунёдаги давлатларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таснифининг турли шакллари бор. Уларнинг айримлари қуйидагилар:

I. Абсолют иқтисодий потенциал миқдори бўйича (Ялпи миллий махсулот миқдори инобатга олинади):

- энг йирик давлатлар;
- йирик давлатлар;
- ўрта давлатлар;
- кичик давлатлар;
- жуда кичик (миниатюра) давлатлар.



II. Нисбий иқтисодий ривожланиш даражаси буйича (ЯММнинг жон бошига тўғри келадиган нисбати инобатга олинади):

- юксак ривожланган давлатлар;
- урта ривожланган давлатлар;
- паст ривожланган давлатлар;
- энг паст ривожланган камбағал давлатлар.

III. Бозор муносабатларининг ривожланиш характери ва даражаси буйича:

- бозор муносабатлари самарали давлатлар;
- бозор муносабатлари кам самарали давлатлар;
- бозор муносабатлари энди ривожлана бошлаган давлатлар;
- бозор муносабатлари кам ривожлангшан давлатлар

IV. Иктисодий модели ривожланиши буйича:

- янги индустриал давлатлар;
- янги экспорти кучаётган давлатлар;
- нефтни экспорт килувчи давлатлар;
- халкаро молия марказлари;
- бошқа моделлар

V. Иктисодий ривожланиш динамикаси (суръатлари) буйича:

- тез ривожланувчи;
- суст ривожланувчи;
- тургун давлатлар

VI. Моддий ишлаб чикаришнинг икки асосий тармоғи ўртасидаги нисбат бўйича:

- индустриал давлатлар;
- индустриал-аграр давлатлар;
- аграр-индустриал давлатлар;
- аграр давлатлар.

**3 мавзу: Замонавий жаҳон хўжалигининг ресурслари. Халқаро меҳнат тақсимоти**

**I.Режа:**

**3.1 Хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш муаммолари**

**3.2 Табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш кучлари. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари**

**3.3. Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ва унга таъсир қилувчи омиллар.**

**3.4. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг замонавий ўзига хос томонлари, халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси.**

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалари**

Табиий-ресурс салоҳият, минерал ресурслар, бирламчи энергоресурслар, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ихтисослашуви, кооперация, илмий-техника инқилобининг таъсири.

**III. Мавзудан кўзланган мақсад:**

**1. Хом-ашё ресурсларини ишлаб чиқариш, уларнинг классификацияси ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш.**

**2. Табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.**

**3. Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қила билиш.**

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

**Биринчи савол юзасидан** сиз жаҳон хўжалигининг



ривожланишида табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган муаммолар муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқланг. Ушбу муаммолар мамлакатлар иқтисодиётининг ишлаб чиқариш, молия-валюта ва ташқи иқтисодий ва бошқа соҳаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигини мисолларда кўрсатинг. Буни жаҳон иқтисодиётида 70-йиллардаги иқтисодий инқирозлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, табиий хом-ашё ресурслари ҳар қандай ишлаб чиқариш учун бошланғич материал бўлиб ҳисобланади. Хом-ашё ресурсларининг маҳсулотдаги улуши турли маҳсулотларда турлича бўлиши ҳам мумкин. Масалан, машинасозлик саноатида хом-ашё ресурсларининг улуши 10-12 %ни ташкил этса, асосий кимёвий синтез маҳсулотларда эса 80-90 %ни ташкил этиши мумкин.

**Иккинчи савол юзасидан** сиз қазиб олинувчи ресурсларнинг жаҳон саноат ишлаб чиқариш ўсиши билан аҳамияти ўсиб кетаётганини таърифланг. Бунинг учун сиз қазиб олинувчи ёқилғи турлари бўлган кўмир, нефть, газ, уран рудаси ҳамда турли метали, нометалл рудалари ва қурилиш материаллари учун хом ашёлар захиралари ҳақидаги маълумотни топинг. Бунинг учун сиз Интернет манбаларига мурожаат қилинг. Ҳозирги замон жаҳон хўжалигининг табиий ресурс салоҳиятини ўрганган пайтда сиз қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ер майдонларини ишлаб-чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлигини ўрганиб чиқинг, жаҳоннинг турли ҳудудларида ишлов бериладиган ерларнинг аҳволи ҳақида маълумот тўпланг. Ўрмон ва жаҳон океанининг ресурслари ҳақидаги, ҳамда чучук сув ресурслари ҳақидаги маълумотни жавобингизда фаол ишлатинг.

**Учинчи савол юзасидан** халқаро меҳнат тақсимоти моҳиятини таърифлар экансиз,унинг халқаро иқтисодий муносабатлар моҳияти, маъносини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири эканлигини асосланг.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга қушимча иқтисодий самара бериб, ўз эхтиёжларини энг кам харажатлар билан тўлиқроқ қондириш имконини беришини мисоллар билан ёритинг.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳиятини меҳнат фаолияти турли шаклларининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлиши жараёнида баён қилиш мумкин.

Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-ҳудудий тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У алоҳида давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.Сунгги ўн йилликларда жаҳонда мисли кўрилмаган иктисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар рўй берди. Улар халқаро меҳнат тақсимотига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

**Тўртинчи савол юзасидан** халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг йўналиши халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайиши бўлганлигини асосланг. Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари бўлиб, унинг моҳиятини намоён қилишини аниқлаб олинг

Турли давлатлар корхоналарининг маълум бир товарга ихтисослашуви замонавий ИТИ билан боғлик. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизимининг мураккаблашиб бориши билан тайёр маҳсулотда ишлатиладиган деталлар кўпайди. Масалан: енгил автомобилда 20 минггача, прокат дастгоҳларида 100 минггача, электровозларда 250 минггача детал ишлатилади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига бўлиниши мисолларда кўрсатишга ҳаракат қилинг;

1) предметли (маҳсулот ишлаб чиқариш);

2) деталли (маҳсулотни ташкил қилувчиларни ишлаб чиқариш);

3) технологик ёки босқичли (яъни алоҳида технологик жараёнларни амалга ошириш эканлигини)

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир.Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси, ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида рўй беришидан қатъий назар, мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш алоқалари жараёни ҳисобланади.

**V . Такрорлаш учун саволлар:**

1.Жаҳон иктисодиёти кўмир,нефть ва табиий газнинг захиралари билан қай даражада таъминланган?



2.Нега Германия учун тошкўмирни Жанубий Африка Республикаси ёки Австралиядан импорт қилиш афзал?

3. Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти қайси олимларнинг назарияларида акс эттирилган?

4.Халқаро меҳнат таксимотига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни санаб беринг.

5 .Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви нима?

**VI. Мавзу бўйича тестлар**

**Яқин Шарқ мамлакатларнинг асосий бойлиги нима?**

а) Тошкўмир.

б) Энергетика.

в) Кора ва рангли металл.

г) Нефть.

**Яқин Шарқ мамлакатларининг энг кўп нефть казиб олувчи давлатлари:**

а) Ирок.

б) Кувайт.

в) Бирлашган Араб Амирликлари.

г) Саудия Арабистони.

**Африканинг ривожланаётган давлатлари иктисодий жиҳатдан қандай давлатлар гуруҳига киради?**

а) Аграр -индустриал.

б) Индустриал- аграр.

в) Индустриал.

г) Аграр хом-ашё етказиб берувчи.

**Африканинг ривожланаётган мамлакатларининг асосий бойлиги:**

а) Енгил саноат моллари.

б) Кишлоқ хўжалиги моллари.

в) Ер ости қазилма бойликлари.
г) Туризмдан келаётган фойда.

**VII. Кейс-стади**

**Хитой сайёҳлик бозори юксалиш сари.**

Хитой Халқ Республикаси Сайёҳлик ишлари бўйича давлат бошқармаси маълумотларига қараганда, ўтган йил мамлакатга 120 миллион яқин хорижлик сайёҳ ташриф буюриб, бундан тушган даромад 29 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди, деб хабар беради "Женминь Жибао он-лайн" газетаси.

Сайёҳлик Хитойдаги ички талабни кенгайтириш ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айланди. 2005 йилда мазкур соҳада меҳнат қилувчилар сони етти миллион кишидан ошди, бу эса мамлакатдаги умумий ишчилар сонининг 5,2 фоизи деганидир.

Қабул қилинган беш йиллик режага кўра, Хитой ҳукумати ҳар йили сайёҳлик соҳасига ярим миллион кишини ишга жалб этиш ниятида. Натижада, 2010 йилга қадар сайёҳлик соҳасида меҳнат қилувчилар сони 10 миллион кишига етади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг тахминига кўра, 2020 йилга бориб Хитой жаҳон сайёҳлик бозорида етакчи ўринга чиқади ва хорижга чиқувчилар сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

**VIII. Муҳокама учун саволлар:**

1. Хитой халқ республикаси Осиёнинг сайёҳлик марказига айланишига қандай асослар бор?
Бу саволга жавоб бериш учун кўҳна Хитой тарихига назар ташланг
2. Сайёҳликни ошиши хитой ички ва ташқи инфратузилмасига қандай таъсир кўрсатади?

**IX. Адабиётлар:**


- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXIасрга интилмоқда" Т. Узбекистон,. 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: "Узбекистон", 2005й.
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма ТДИУ, 2005.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003.
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004.;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П. Колесова и М.Н. Осьмовой. М.:, «Флинта», 2004.




**X. Ушбу мавзу юзасидан диаграмма, схема ва шакллар слайдлари**

**ТАБИИЙ ГАЗ ЗАХИРАЛАРИ**

| № | Давлатлар номи | млрд $м^3$ |
|---|---|---|
| 1 | Россия | 47600 млрд $м^3$ |
| 2 | Эрон | 21200 млрд $м^3$ |
| 3 | АҚШ | 4654 млрд $м^3$ |
| 4 | Жазойир | 3424 млрд $м^3$ |
| 5 | Туркманистон | 2650 млрд $м^3$ |
| 6 | Норвегия | 3800 млрд $м^3$ |
| 7 | Қозоғистон | 1670 млрд $м^3$ |
| 8 | Нидерландия | 1668 млрд $м^3$ |
| 9 | Ливия | 1212 млрд $м^3$ |
| 10 | Буюк Британия | 574 млрд $м^3$ |

**4- мавзу. Халқаро савдо назарияларининг замонавий аҳамияти.**

**I.Режа:**

4.1. Меркантелизм ва протекционизм.
4.2. Адам Смит ва Давид Рекардолар – ташқи савдодаги меркантилистик қарашларга қатъий зарба берган мумтоз иқтисодчилар.
4.3. Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари , капитал ҳамда технологиялар ўртасидаги муносабатлилик назарияси. Леонтьев порадокси.
4.4. Майкл Портернинг мамлакатлар рақобат афзаллиги назариясининг аҳамияти.

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалар, ном ва иборалар**

Адам Смит. Давид Рикардо.Протекционизм. Халқаро меҳнат тақсимоти .Фритредерлик. Жаҳон хўжалигининг субъекти . Халқаро махсулотнинг хаёт цикли. Мутлако афзаллик. Табиий афзаллик. Ундирилган афзаллик. Нисбий афзаллик. Хекшер-Олин назарияси. Леонтьев порадокси. Майкл Портернинг рақобат афзалликлари назарияси. «Миллий ромб» детерминантлари.

**III.Машғулотнинг мақсади:**

1. Халқаро савдо назарияларининг келиб чиқиш асосларини ўрганиш.
2. Халқаро савдо назарияларининг ҳозирги замон муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамиятини таҳлил қила билиш.
3. Замонавий халқаро савдо назариялари билан танишиш ва уларни Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатига тадбиқ қилишни ўрганиш.
4. Халқаро савдо назарияларининг ҳозирги замон муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамиятини таҳлил қилиш.

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

**Биринчи савол юзасидан** сиз ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли ката эканлигини Ж.Сакснинг «дунёдаги ҳар қандай



давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода туғилади. Ҳозирги даврга хеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажраган ҳолда соғлом иқтисодиёт ҳосил қила олгани йўқ» деган фикри орқали халқаро савдо-халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўриниши сифатида намоён бўлишини асосланг.

Барча давлатлар олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат танлаш муаммоси ётади. Икки аср мобайнида бу мавзуда тортишувлар кетяпти.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса- шу холда сақлаш- олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқ. Аммо кўп ҳолларда бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош ролини бажаради. Жаҳон хўжалигининг ҳозирги замон тизими пайдо бўлиш ва шакллашиш жараёни биринчи саноат инқилоби, даврлари биланок кескин назарий баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу баҳснинг асосида халқаро савдони келтириб чиқадиган сабаблар ва уни халқаро фаровонлигига таъсири хақидаги қарашларининг мутлақо бир-бирига зид эканлигидир. Ушбу фарқини икки йўналиш ёки мактаб намоёндалари-меркантелистлар (улар миллий бозорга хорижий товарларини кириб келишини қатъий- чекловчилар) ҳамда мамлакатлараро эркин савдони амалга ошириш тарафдорлари. Меркантелистлар ва мамлакатлараро эркин савдони амалга ошириш тарафдорлари қарашлари ўртасидаги фарқни сиз "Иқтисодиёт назарияси" ва "Иқтисодий таълимотлар тарихи" фанларидан билиб олгансиз.

Меркантелистларнинг 4 асосий ташқи иқтисодий қарашларини асосланг.

Меркантелистларнинг қарашлари нақадар чекланган бўлмасин биринчи бўлиб ташқи савдонинг мамлакатнинг ички иқтисодий тараққиёти билан боғлиқлигини кўрсатиб бердилар ва ўз қарашлари билан илмий фикрни илгарироқ бўлган халқаро иқтисодиётнинг классик мактабига яқинлаштирдилар.

**Иккинчи савол юзасидан** сиз эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб таъриф берган Адам Смитнинг «айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдалидир; ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ устунликка эга бўлишини» таъкидлаган фикрига ўз муносабатингизни билдиринг.

Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган. Адам Смит меркантелистик карашларга қақшаткич зарба берган иқтисодчилардан энг машҳуридир. Адам Смит халклар бойлиги ва фаровонлиги жамғарилган олтин миқдорига боғлиқ эмаслигини, балки миллатнинг тайёр махсулот ишлаб чикара олишига боғлиқ эканлигини исботлади. Шунинг учун асосий вазифа - олтин сотиб олиш эмас, балки меҳнат таксимоти туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бу ҳол ишлаб чиқарувчилар иқтисодий жихатдан мутлақо эркин бўлса ва мамлакатдаги конун доирасида ўз фаолият турини танлай олсагина амалга ошиши мумкин. Бу сиёсат «ласс-фере» номини олди.

- ҳукумат ташқи савдо сиёсатига аралашмаслиги, очиқ бозорлар ва эркин савдо сиёсатини қўллаши лозим.
- Миллатлар ишлаб чиқаришда афзалликлари мавжуд бўлган товарларга ихтисослашиши товар ва уларни бошқа миллатларда афзаллиги бор товарларга алмаштирилиши керак. Шу карашларга сизнинг фикрингиз қандай? Шу хулосалардан келиб чиқиб мутлақо афзаллик назариясини исботлашга харакат қилинг.

Нисбий афзалликлар назарияси:- агар мамлакат бошқа мамлакатларга қараганда нисбатан камрок харажат сарфлаб товарларни ишлаб чиқарса, унда савдо, улар мутлоқ афзалликка эга бўлиши ёки бўлмаслигига қарамай иккала тарафга ҳам фойдали бўлади. Мисоллар оркали сиз Давид Рикардонинг нисбий афзалликлар назариясини асослашга харакат қилинг ва жаҳон мамлакатларининг иқтисодиёти ва амалиёти билан боғлиқлиги борлигини аниқланг.

**Учинчи савол юзасидан** швед олимлари Эли Хекшер ва Бертил Олинлар ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги қонунини ривожлантирдилар.

Турли мамлакатларнинг бир-бири билан ташқи савдо қилишининг сабаблари:-

1. Товарлар жаҳон мамлакатлари ичида ниҳоятда нотекис тақсимланган ва мамлакат ушбу ресурслардан таъминланганлиги билан бир-биридан фарқ қилади.



2. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ресурсларнинг турли комбинацияси ва турли технологияларни талаб қилади. Ушбу вазият характери турли мамлакатлар учун турлидир. Шу фикрлар ҳозирги кунда аҳамиятга эгами?

**Тўртинчи савол юзасидан** 1991 йилда Америка иқтисодчиси ,Гарвард бизнес мактабининг профессори Майкл Портер Халқаро савдо назариясига янгича ёндашиб , «Мамлакатларнинг рақобат афзалликлари» деб номланган илмий асарни эълон қилди.

Рақобат афзаллиги – маркетинг тадқиқотларини ҳам ўз ичига

олган кўп томонлама таҳлилга асосланган илмий ёндашувдир.

Мамлакатларнинг рақобат афзаллиги назариясининг пайдо булишини

қуйидаги омиллар тақозо этди:

1. Жаҳон иқтисодиётида реал ўзгаришлар амалга ошди.
2. Ишлаб чиқариш технологияларида ўзгаришлар пайдо бўлди.
3. Янги индустриал мамлакатлар вужудга келди.
4. Ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви вужудга келди.

Мамлакатларнинг рақобат афзаллиги назариясининг асосида ромб шаклида тасаввур қилиш мумкин бўлган рақобат афзаллигининг 4 детерминантини аниқланг ва уларнинг ҳар бирини ўрнини асосланг.

## У. Такрорлаш учун саволлар:

1. Адам Смит ва Давид Рикардоларнинг ташқи савдога тааллукли назарияларини таърифлаб, мисоллар билан таҳлил қилинг.
2. Ишлаб чиқариш омилларининг мутаносиблиги конунини турли мамлакатлар гуруҳида кўриб чиқинг.
3. Ишлаб чиқариш омиллари каторига ушбу кунда нимани қўшган булар эдингиз? Нега?
4. АҚШ реактив самолётлар ишлаб чиқаришда ҳар доим ҳам рақобат афзалликларига эга булиши шартми? Жинси ишлаб чикарищдачи ?

Агар рақобат афзаллиги қўлдан бой берилса, қандай ҳаракат қилиш керак?

5. М.Портернинг «Миллий ромби» даги омиллар параметрининг таркибида мамлакат афзаллигига мутлақо фаол таъсир кўрсатадиган қисм мавжуд. Уни таърифланг, мисолларингиз асосли булсин.

6. Хекшер- Олиннинг омиллар мутаносиблиги қонунининг аҳамиятга эга эканлигини исботланг.

7. Леонтьев порадокси фақат АҚШга таааллуқлими?

8. Халқаро савдо назариясининг ҳозирги даврда аҳамияти қандай?

9. Эркин савдо ҳар доим ҳам самара берадими? Протекционизмчи?

10. Бирор мамлакатда рақобат афзаллигини пайдо бўлишида миллий иштиёқ ва анъаналарнинг аҳамияти қандай?

## VI. Мавзу бўйича тестлар

**Адам Смит ўзининг "Эркин савдо" назариясини качон яратди?**

а) 16- асрда;
б) 17-аср охирида;
в) 18-асрда;
г) 19- аср бошида.

**Адам Смит аниқлашича, миллат ва халқларнинг асосий бойлиги бўлиб хизмат қилади:**

а) меҳнат тақсимоти;
б) хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги;
в) миллий даромад;
г) давлат бюджети.

**Ҳар бир мамлакат бирон бир товарлар ишлаб чиқаришда ихтисослашган бўлиши учун қандай шароитга эга бўлиши керак?**

а) нисбий устунлик;
б) мутлоқ устунлик;
в) ресурслар мавжудлиги;
г) инсон ресурслари мавжудлиги.



## VII. Кейс-стади

**Ўзбекистон енгил саноат маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги**

Бугунги кунда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Сурия, Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг енгил саноат маҳсулотлари бозоридаги асосий рақиблари ҳисобланади. Лекин, тикувчилик-трикотаж маҳсулоти борасида булардан биринчи учта мамлакат етакчи ўрин тутади.

Маълумки, хом ашё захираларининг мавжудлиги (асосан, пахта толаси), энергия ташувчиларининг паст қиймати ҳамда малакали нисбатан арзон ишчи кучининг мавжудлиги мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ўзига хос афзалликларидир.

Агар Ўзбекистонда 1 куб. м. табиий газнинг қиймати 0,03 АҚШ долларини ташкил этса, Туркия, Франция ва АҚШда у 0,21-0,23 АҚШ долларини, Хитойда 0,23 АҚШ долларини ташкил этади. Шунингдек, республикамизда 1 кг мазутнинг қиймати 0,08 АҚШ долларидан иборат бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Кореяда мазутнинг қиймати 1 кг эвазига тахминан 0,29-0,34 АҚШ долларини, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида 0,20-0,30 АҚШ доллари, Покистонда эса 0,50 АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистонда дизел ёқилғисининг қиймати ҳам анча арзон. Масалан, мамлакатимизда 1 литр дизел ёқилғисининг нархи 0,26 АҚШ долларини ташкил этса, Покистон, Хитой, Ҳиндистон ва АҚШда ушбу кўрсаткич 0,37-0,54 АҚШ доллари доирасида бўлади. Жанубий Корея (0,71 АҚШ доллари), Франция (0,85 АҚШ доллари), Германия (0,94 АҚШ доллари), Туркия (1,03 АҚШ доллари) каби давлатларда дизел ёқилғисининг нархи анча юқори.

Ўзбекистонда электр энергиясининг қиймати 1 КВт/соат учун 0,02 АҚШ долларини ташкил этади, бошқа кўриб чиқилаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич қиймати 0,003 дан 0,09 АҚШ долларигача ўзгариб туради. Бунда Ўзбекистон шароитида ушбу кўрсаткич халқаро молиявий ташкилотларнинг тавсиясига кўра доимо ортиб боришга мойил бўлади.

Саноат эхтиёжлари учун ишлатиладиган сувнинг қиймати ҳам республикамизда асосий бўлмасада, рақобатбардошликнинг омили бўлади. Масалан, Ўзбекистонда сувнинг нархи 1 куб. м учун 0,13 АҚШ долларини ташкил этса, Хитойда - 0,15 АҚШ доллари, Ҳиндистонда - 0,16 АҚШ доллари, Покистонда - 0,26 АҚШ долларини ташкил этади. АҚШ (0,51 АҚШ доллари), Жанубий Корея (0,60 АҚШ доллари), Туркия (1,50 АҚШ доллари), Ғарбий Европа мамлакатлари (1,23-1,91 АҚШ доллари) каби мамлакатларда сувнинг юқори нархи белгиланган.

Бундан ташқари, жаҳонда асосий енгил саноат маҳсулотларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари бўлган Хитой, Ҳиндистон, Покистон каби Ўзбекистон ҳам асосий хом ашё ишлаб чиқариш бўйича ўз ички истеъмолини ошириш сиёсатига эга. Бироқ, пахта толасининг ички нархлари жаҳон нархларини акс эттиргани туфайли, бу ҳол шу афзалликнинг аҳамиятини бироз камайтиради.

Квоталарнинг йўқ қилиниши туфайли, истеъмолчилар ўз буюртмаларини бўлиб беришга мажбур бўлмайди, лекин улар энг яхши маҳсулотларни энг паст нархларда ишлаб чиқарувчилар билан ишлашни афзал кўради. Сифатли маҳсулотнинг бир нечта тоифасини тақдим эта оладиган мамлакатлар кўпроқ рақобатбардош бўлади.

Масалан, Хитой тўқимачилар учун хом ашёни, жумладан тола, ип-калава, матолар ва анжомларни етказиб бериш бўйича рақобатбардош маҳаллий саноатига эга. Мамлакатда пахтадан ташқари каноп, ипак ва жун каби табиий толаларни етказиб берувчилар ниҳоятда кўп миқдорда фаолият юритади, ҳукумат ушбу толаларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда давом этмоқда. Бундан ташқари, Хитой сунъий толаларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси бўлиб, шунга қарамай, у яна маълум миқдордаги толани импорт қилади.

Ҳиндистон ҳам жаҳон бўйича пахта, пахта толаси, ип-калава ва сунъий толаларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчилари қаторига киради.

Покистонда маҳаллий пахтанинг олиниши осонлиги енгил саноат тармоғининг ривожланишида муҳим омил бўлган. Покистон Хитой, АҚШ ва Ҳиндистондан кейинги тўртинчи ўринда турган йирик пахта ишлаб чиқарувчи давлатдир. Бунга қўшимча равишда, Покистон компаниялари яхшироқ сифатли ип-калава ва матоларни яратиш учун юқори сифатли пахтани сотиб ола бошладилар. АҚШнинг чакана



савдогарлари покистонлик фирмалар улкан ишлаб чиқариш қувватлари, узоқ муддатли сармоялари ва барқарор сифати туфайли ўз ип-газламалар яратиш соҳасида рақобатбардош бўлиб қолишига ишонади.

Доимий харажатларга келсак, америкалик сармоявий компанияларнинг баҳолашларига қараганда, Хитойда, Ҳиндистон ва Покистонда кредит учун маблағлар олиниши Ўзбекистонга нисбатан соддароқ ва осонроқ жараёндир. Бундан ташқари, Ўзбекистон ривожланаётган давлат мақомига эга бўлгани туфайли кредитлар бўйича юқорироқ фоиз ставкаларига эга.

Ўзбекистонда айни дамда ўртача мавкедаги бошқарув ходимларининг етишмаслиги муаммоси сезилади. Буни ечиш учун даставвал хориждан қайтган мутахассислар енгил саноат фабрикалари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш фабрикаларини бошқариш учун, шунингдек маҳаллий бошқарув ходимларини ўргатиш учун 2-3 йил муддатга ишга жойлаштирилиши лозим. Жумладан, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон 20 йилдан ортиқ муддат давомида енгил саноат ва кийим-кечак буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан халқаро савдода иштирок этиб, ўртача мавкедаги малакали бошқарув ходимларига эга.

Ҳиндистонда меҳнат унумдорлиги Хитойга қараганда ҳали анча паст, лекин Хитойда ишчи кучи харажатлари 40 фоизга юқорироқдир. Етарли даражадаги енгил саноат хом ашёси ва ишчи кучига эга бўлган Ҳиндистон, экспертларнинг фикрича, аста-секин энг муҳим аутсорсинг жаҳон манбаларидан бирига айланади. Ҳиндистон на Покистон 15 йилдан бери енгил саноат ва кийим маҳсулотларининг экспорти билан шуғулланиб, ҳар хил маҳсулот турларини сифатли ишлаб чиқара оладиган малакали ишчи кучига эга, деб тан олинган.

Экспорт бозорига яқинлик ёки бозор шароитларининг ўзгаришига тез жавоб бериб мослашиш қобилияти савдонинг муҳим, белгилаб берувчи омили ҳисобланади. Енгил саноат маҳсулоти харидорлари бозорнинг ўзгаришига тез жавоб бериш қобилиятига борган сари талабчан бўлиб бормоқда.

Енгил саноат маҳсулотлари, айниқса тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларига талаб, модданинг мойилликлари ҳамда истеъмол талабларининг ўзгариши туфайли кескин ўзгаришларга учровчи

ташиш омили, муносиб рақобат қилиш имкониятини берувчи асосий омиллдир.

АҚШга келсак, АҚШнинг халқаро савдо комиссияси томонидан ўтказилган тадқиқотга мувофиқ, АҚШнинг Шарқий қиргоқларига юкни ташиб олиб келиш вақти Хитойда 18 кун, Покистон ва Ҳиндистон учун 25-27 кунни, Кариб мамлакатларидан 2-7 кунни ташкил этади, айни пайтда Ўзбекистон етказиб берувчиларига эса бунинг учун камида 40-50 кун керак бўлади.

Ўзбекистон камида иккита мамлакат оша денгизга чиқа олиши мумкин. Бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг кўпчилиги ўз маҳсулотларининг экспортини ҒСА-Ўзбекистон етказиб бериш шартлари асосида амалга оширади, яъни маҳсулот нархига транспортга юклаш ва божхона амалларидан ўтиш киритилган. «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг қўшма корхоналари, масалан, «Чиноз тўқимачи» қўшма корхонаси, «Алишер Навоий» қўшма корхонаси, шунингдек «Тошкент Тўйтепа текстил» МЧЖ, ўз маҳсулотларини Европа Иттифоки давлатларига CIF-етказиб бориш манзили (транспортга юклаш, божхона амалларидан ўтиш ва етказиб бериш давлати манзилигача етказиш) шартларида етказиб беради.

Ўзбекистон Республикаси фақат бошқа давлатлар орқали очиқ денгизга чиқа олгани, юкларни ташишнинг энг арзон усули эса денгиз транспорти бўлгани учун юкларни ташишнинг асосий қисми темир йўл ёки автомобил транспорти билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, маълум хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон ҳозирча бошқа давлатлар олдида ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган захираларнинг кўпчилиги бўйича маълум қиймат афзалликларига эга, лекин бошқа давлатларнинг ташиш харажатлари ва етказиб бериш муддатлари каби жиддий рақобат афзалликларини ҳисобга олиб, рақобатбардошликни сақлаш мақсадида ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш юзасидан доимий ишларни олиб бориш лозим. Шунингдек, тез орада дипломатик йўллар орқали бож тарифларининг тўсиқлари масаласини ижобий ҳал қилиш лозим.

## VIII. Муҳокама учун саволлар:



1. Қайси мамлакатлар жаҳон енгил саноат маҳсулотлар бозорида Ўзбекистоннинг асосий рақиблари хисобланади ва уларнинг салоҳияти қандай?
2. Ўзбекистонда рақобатбардошлик муҳити яратилиши учун геосиёсий жойлашувининг аҳамиятини таҳлил қилинг.
3. Ўзбекистон ҳозир қандай рақобат афзалликларига эга ва қандай рақобат афзалликларини келажакда ривожлантириши керак?

## IX. Адабиётлар:


1. Мировая экономика Экономии зарубежных стран: Учебник / Под ред. Д-ра экон. Наук, проф. В.П. Колесова и д-ра экон.наук, проф. М.Н. Осьмовой 2-е изд.-М.: Флинта: Московский психолого-социальный институт, 2002

2. Мировая экономика Учебник / Под ред. Проф А.С. Булатова. М.: Юристь, 2002

3.Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. Ч. I Международная мироэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов.- М.: Междунар. Отношения, 2002

4.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения: Учебник.-М.: Юристь, 2002

5. Кудров В.М. Мировая экономика: Учебник.-М .: Издательство БЕК 2002

6. Спиридонов И.А. Мировая экономика: Учеб. Пособие.- М.: ИНФРА-М, 2002

**Қўшимча адабиётлар**

1. Тэор Т.Р. Мировая экономика-СПБ: Питер, 2002

2.Басова Т.Е. Практикум по курси «Мировая экономика».-М.: Финансы и статистика 2002.

3.Сергеев П.В. Мировая экономика: Вопросы и ответы. 2-е изд. Испр. -М.: Юриспруденция 2002.

4. Семинов К.А. Международная экономическая интеграция: Учебное пособие.-М.:Легос, 2002-128

5. Мировая экономика: Краткий курс лекций В.П.Воронин, Юрайт-М, 2002

6. Липец Ю.Г. Пулярин В.А. Шлихтер С.Б География мирового хозяйства: Учеб. Пособие для студентов.-М.: Гуманит. Изд. Цент ВЛАДОС, 2002

**Махсус адабиётлар ва Интернет.**

1. Daniels J.D . International business . Prentice Hall . 2002
Ball D., McCulloch W . International business . Irvin Mc Graw- Hill.

**<u>Х.Ушбу мавзу юзасидан диаграмма,схема ва шакллар слайдлари</u>**

**<u>Майкл Портернинг мамлакатлар рақобат афзаллигини ифодаловчи "Миллий Ромб" ва унинг детерминантлари</u>**






4. "Катта еттилик"ка кирувчи давлатларни санаб беринг.

5. Ривожланган давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини амалга оширишда ГМК қандай ўрин тутади?

**<u>VI Мавзу бўйича тестлар:</u>**

**Иқтисодий ривожланиш йўлига (моделига) кўра, қайси давлатлар классик ривожланган давлатлар хисобланади?**
а) Швеция, Голландия, Дания, Финляндия ва бошқалар;
б) Аргентина, Исроил, Мексика, Туркия ва бошқалар;
в) АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқалар;
г) Испания, Португалия, Россия, Норвегия ва бошқалар.

**Канада қайси интеграцион гуруҳга аъзо?**
а) НАФТА;
б) ЕИ;
в) АСЕАН;
г) Меркосур.

**Дуглас Макартур қайси давлатда ислоҳотлар олиб борган?**
а) Италия;
б) АҚШ;
в) Германия;
г) Япония.

**АҚШ экспортининг асосий кўринишлари қайсилардан иборат?**
а) хизматлар экспорти;
б) саноат маҳсулотлари;
в) капитал экспорти;
г) халқ хўжалиги товарлари экспорти.

**<u>VII. Кейс-стади:</u>**

**АҚШ билан савдо урушида ЕИ нинг энг катта ғалабаси**

ЕИ мамлакатлари замонавий "савдо урушлари" тарихида ўзларининг энг катта муваффақиятини нишонламоқдалар: европа мамлакатлари

"банан" ва "гушт" урушлари учун реванш олишга муваффақ бўлишди. Ўтган ҳафта охирида жаҳон савдо ташкилоти АҚШ ва ЕИ орасидаги солиқ имтиёзлари билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш учун вердикт чиқарди, бунда ЕИ мамлакатлари АҚШ га қарши 4 млрд. долл. савдо санкциясини қўллаш назарда тутилган. Солиқ имтиёзлари борасидаги келишмовчиликлар ЕИ ЖСТ га 2000 йил ноябрида АҚШ маҳсулотларига нисбатан 4,043 млрд. долл. ҳажмида жазо чоралари қўллаш ҳақида арз қилганида бошланган эди. Европаликларнинг фикрига кўра АҚШ ўз экспортини чет эл савдоларини амалга оширувчи корпорацияларини қўллаб қувватлаш орқали субсидиялар берди. 2001 йил июнь ойида ЖСТ АҚШ нинг бундай қарори ўрнатилган тартиб қоидаларга тўғри келмаслиги ҳақида огоҳлантирди. Аммо АҚШ конгресси бу қарорни бажарилишини ноқонуний деб топмади. Бунда конгресс олдида мураккаб дилеммани ҳал қилиш кераклиги ҳақидаги муаммо кўндаланг туради: ЖСТ нинг қарорига бўйсуниш ёки ЖСТ нинг вердиктига нисбатан ҳеч қандай таъсир билдирмаслик. Охирги ҳолда АҚШ га ЕИ томонидан қарши жавоб сифатида 4 млрд. долл. миқдорида санкция қўлланилиши мумкин. Вахоланки, на АҚШ ва на ЕИ келишмовчиликни жиддий тус олишидан манфаатдор.

Бу жараёнда ЕИ биринчи бўлиб муаммони ижобий ҳал қилиш учун дастлабки қадамни ташлади.ЕИ нинг савдо ишлари бўйича комиссари Паскаль Лами Walt Street Journal газетасига берган интервьюсида санкция беришнинг охирги санасини аниқ ўрнатмаслигини таъкидлаб ўтди.Унинг фикрига кўра АҚШ конгресси учун қонунни рад этишга камида бир йил муддат керак. ЕИ раҳбарияти икки ой давомида жавоб чоралари кўрилиши мумкин бўлган АҚШ маҳсулотлари рўйхатини тузиб чиқишини билдириб ўтди. Хусусан баъзи АҚШ маҳсулотларига божхона божлари 100% ни ташкил қилиши мумкин. Тузиладиган рўйхатга дон маҳсулотлари, пўлат, текстиль саноати маҳсулотлари, алюминий, ядро реакторлари ва самолётлар киритилиши мумкин. Ноябрь ойида тузилган рўйхатни ЕИ нинг 15 та мамлакатига кўриб чиқиш учун тақдим қилинади. Бу АҚШ га қўлланилиши мумкин бўлган санкциянинг биринчи босқичи бўлади. Агар АҚШ томони солиқ имтиёзи тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқмаса, иккинчи босқичда рўйхат яна бир қанча товарга тўлдирилади. Кузатувчилар



фикрига кўра, солиқ имтиёзи тўғрисидаги ғалаба европаликларни руҳлантиртирган ҳолда Вашингтонга қарши "пўлат урушида" янги қаҳрамонликлар сари ундаши турган гап. Эслатиб ўтамиз, 20 мартда АҚШ импорт қилинадиган пўлат учун 30 % лик божларни қўйган эди , аммо ЕИ қарши санкциялар қўллашини таъкидлаганда, Вашингтон божлар қўлланилиши кўзда тутилган металлургия маҳсулотлари рўйхатидан 178 тасини чиқариб ташлашини эълон қилди.Аммо ЕИ давлатлари АҚШ дан пўлат импорт қилиш учун божларни бутунлай бекор қилишини талаб қилмоқда.

## VIII. Муҳокама учун саволлар:

1.Бу ерда қандай савдо сиёсати тўғрисида гап кетмоқда?
2.Томонлар қайси инструментлардан фойдаланмоқдалар?
3.Савдо урушида кимга зарар ва кимга манфаат бор?
4.Халқаро савдо муносабатларининг ўрни қандай?

## IX. Адабиётлар:


- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т. Ўзбекистон, 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т. "Ўзбекистон", 2005й.
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2005.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003.
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004. ;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П. Колесова и М.И. Осьмовой. М.:, «Флинта», 2004
- Daniels J.D. International business . Prentice Hall . 2002

Ball D., McCulloch W . International business . Irvin Mc Graw- Hill

**X. Ушбу мавзу юзасидан диаграмма,схема ва шакллар слайдлари:**

**Дунёнинг энг ривожланган уч йирик маркази**

**«триада».**

**ва уларга интилувчилар**




**6 мавзу: Германиянинг Ғарбий Европадаги тутган ўрни. Япония-Осиёнинг саноати ривожланган етакчи мамлакати**

**I. Режа**

**6.1. Ғарбий Европа давлатларининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни**
**6.2 Германиянинг умумий тавсифи**
**6.3 Германияда шаклланган ижтимоий бозор хўжалиги ва унинг натижалари.**
**6.4 Япония иқтисодиёти ҳақида умумий маълумот**



**6.5 Япония иқтисодиёти ривожланиш модели**

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалар, ном ва иборалар**

Европа Иттифоқи (ЕИ) ёки Европа Ҳамжамияти (ЕХ), Маастрихт келишувлари,Евро зонаси, "Катта еттилик"(G7), ЯИМ даражаси, ташқи савдо ҳажми, ресурсларга эхтиёж, ТМК, саноатлашиш даражаси, постиндустриализация, хизматлар соҳаси улушининг ортиб бориши,. Маршал лойихаси, Людвиг Эрхард, ижтимоий бозор хўжалиги, "экспорт қилиш ёки ҳалок бўлиш", Дуглас МакАртур, Технопарк, Робототехника, "Just in time", Сони, Митцубиси.

**III.Машғулотнинг мақсади:**

- **Ғарбий Европа давлатларининг ҳозирги замон жаҳон хўжалигидаги тутган ўрнини аниқ статистик маълумотлар билан таҳлил қила олиш**
- **Германияда шаклланган ижтимоий бозор хўжалигининг тарихий йўли ва унинг натижаларига баҳо бера билиш**
- **Япония иқтисодиёти ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш**
- **Япония иқтисодиёти ривожланиш моделининг ўзига хос томонларини ўрганиш**

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар**

Биринчи савол юзасидан сиз Ғарбий Европа давлатлари гуруҳига жами 25 давлат кириб, бу давлатлар гурухи ўз ҳудудларининг катта-кичиклиги, аҳолисини оз-кўплиги ва турли-туманлиги, бой табиий ресурсларга эгалиги билан бир-биридан фарк қилишини,лекин иқтисодиёти бир типда эканлигини ва ривожланган мамлакатлар гуруҳига киришини таҳлил этишингиз керак. Улар аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган Ялпи Ички Маҳсулот бўйича жаҳон мамлакатлари ичида 2-44 ўринларда туради.Худуд иқтисодий салоҳиятининг асосий қисми 4 мамлакат-Германия,Франция, Буюк Британия ва Италияга (аҳолининг -50%, Ялпи Ички Маҳсулотнинг -

70% ) тўғри келишини статистик маълумотлар орқали аниқланг. Ғарбий Европа давлатлари иқтисодий салоҳиятида кичик саноати ривожланган мамлакатларининг аниқланг.

Ғарбий Европа Эркин Савдо зонаси ҳиссасига жаҳон савдоси айланмасининг 48-50% ти тўғри келиб, бу иқтисодий зона ҳозирги кунда 380-400 млн.га яқин истеъмолчига эгадир.

Ғарбий Европа давлатларининг иқтисодий тараққиётида жаҳон мамлакатлари билан олиб борилаётган ташқи савдо алоқалар муҳим рол ўйнайди. Ўтган асрнинг 70-йиллардаги Европа Иттифоқи (ЕИ) ёки Европа Ҳамжамияти (ЕХ) давлатлари дунёда энг йирик савдо блокларидан бирига айланган эди. ЕИ давлатларининг товарлар экспорти даражаси АҚШнинг товарлар экспорти даражасига нисбатан уч баробар юқори бўлиб, 90-йилларда бу мамлакатлар ҳисобига жаҳон савдосининг 41-42% и, валюта захираларининг эса 36-37% и тўғри келади.Интернет орқали ҳозирги давр вазиятини таҳлил қилинг.

**Иккинчи савол юзасидан** Германия ҳақида умумий маълумотлар топинг, унда сиз мамлакатнинг қисқача тарихи ҳақида, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида, Маршалл лойиҳасининг аҳамияти, Людвиг Эрхард ва Конрад Аденауэрнинг ижтимоий бозор хўжалиги ҳақидаги фикрларини таҳлил қилинг ва фактларни умумлаштиринг.

**Учинчи савол юзасидан** Германиянинг саноат тармоқлари бўйича тизими, саноатнинг энг ривожланган соҳалари ва агро-саноат бўйича комплекси, хизмат соҳаси, Германиянинг экспорт ва импорти ҳақидаги тўла маълумотларни ва унинг ташқи иқтисодий алоқалари ҳақидаги маълумотларни сиз Интернетдан топишингиз мумкин.

**Тўртинчи савол юзасидан** Япония Шарқий Осиёнинг Тинч океани оролларида (мамлакат 4 та йирик ва 4 мингдан ортиқ кичик ороллардан иборат) жойлашган етакчи саноати ривожланган давлат эканлигини,унинг умумий майдони 372,3 минг кв.км бўлиб, территориясининг 70% дан ортиғи тоғликлардан иборат бўлиб, текислик қисми жуда кам эканлигини Жаҳон географик картасидан топасиз. Япония демографиясида 65 ёшдан ўтган аҳоли кўпчиликни ташкил этиб, жами аҳолининг 13,1% ни, аҳолининг 14 ёшдан кичиклари эса жами аҳолининг 17,2% ни ташкил этади. Аҳолининг йиллик ўсиш даражаси эса бошқа ривожланган давлатларга нисбатан



анча камдир. Бироқ, японлар жаҳон мамлакатлари ичида ўртача энг узоқ умр кўрувчи аҳоли бўлиб, ҳозирги кунда эркаклар 75 ёшни, аёллар эса 81 ёшни ташкил этади.

"Осиё йўлбарси" деб ном олган Япониянинг дунё мамлакатларини иқтисодий ривожланишига бўлган таъсири катта эканлигини исботлашга ҳаракат қилинг. Япония иқтисодиёти 1868-1912 йилларда (Япониянинг иқтисодий тарихида Мейдзи революцияси даври) жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ёпилган эди. Ушбу давр мамлакат иқтисодиётига қай даражада таъсир этди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида "Мицубиси", "Кавазаки", "Явата Айрен", "Стил Уорк" каби йирик монополистик уюшмалар ташкил топдики, даври ҳозирги кунда ҳам ушбу трансмиллий компаниялар (ТМК) жаҳондаги энг йирик компаниялардан ҳисобланишини назарда тутинг.

1973-1979 йилларда жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида юз берган кучли нефть кризиси Япония иқтисодиётини ривожланишига ўз таъсирини кўрсата олдими? 1950 ва 1960-йиллар бошида Япония саноат товарлари экспорти соҳасида қандай ижобий муваффақиятларни қўлга киритди?. Мамлакатнинг товарлар экспортида тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ўрнини оғир саноат маҳсулотлари эгаллагани, 70-йилларга келиб мамлакат экспортининг асосий қисмини рангли телевизорлар, автомобил ва уларнинг эхтиёт қисмлари ташкил этганлиги, 80-йилларга келиб бундай экспорт товарлар қаторига электрон маҳсулотлар – компьютерлар, видеомагнитофонлар қўшилганлигини мамлакат ташқи товар айланмасига таъсир қилганлиги даражасини таҳлил қилинг.

Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган арзон ва қулай табиий ресурсларни жаҳоннинг турли хорижий мамлакатларидан олиб келиб, уларни жаҳон бозорларида рақобатбардош ўта сифатли маҳсулотлар даражасида қайта ишлаб чиқариб, фойда кўрадиган давлат бўлганлигини фактлар билан исботланг.

**Бешинчи савол юзасидан** Япония иқтисодиёти ривожланиш модели ҳақида гапирар экансиз,60-90 – йилларда Япония ҳукумати

бюджет харажатининг 75-76% ни саноат, савдо ва коммерция ишларини ривожлантиришга, саноат корхоналарини такомиллаштириш, ЭВМ ва ахборот воситалари билан жихозлаш ишларига қаратганлигига эътибор беринг. Японияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг асосий қисми кичик ва ўрта ривожланган қайта ишлаш саноат корхоналарда ишлаб чиқарилиши( бундаҗ саноат корхоналарга, чарм (ишлаб чиқарилган тайёр саноат маҳсулотнинг 94-95% ини беради), тўқимачилик (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 88-99% ни беради), озиқ-овқат (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 83-84% ни беради) киради)ни таҳлил қилинг. Ҳозирги кунда мамлакатда 800 мингдан ортиқ қайта ишлаш саноат корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 70-72%и бир кишидан 9 кишига қадар ишлайдиган кичик корхоналарни, 10-12%и эса 10 кишига қадар ишлайдиган йирик саноат корхоналар ташкил этади. Сиз шунга қандай қарайсиз?

Япония иқтисодиёти ривожланиш модели ҳақида гапирар экансиз,саноат корхоналари ҳозирги кунда замонавий илмий-техникавий ютуқларга асосланган станоклар билан, сифатли технологик ускуналар билан, электроника ва оптик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ компьютерлашган ва Япония ўзининг сифатли, чиройли ва бежирим, ихчам ишлаб чиқарган саноат товарлари билан жаҳон бозорларини эгаллаб турганлигини асосланг.

Япониянинг йирик трансмиллий компаниялари "Тойота мотор компани лимитед", "Ниссан мотор компани лимитед", "Хонда мотор компани лимитед", "Мицубиси электрик корпорейшн" га тавсиф беринг

**V. Такрорлаш учун саволлар:**

Саноати ривожланган давлатлар гуруҳига қайси мамлакатлар киритилади?

Саноати ривожланган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини қайси кўрсаткичлар билан кўрсатиб бериш мумкин?

Жаҳон иқтисодий ривожланишининг учта асосий марказини кўрсатиб беринг.

"Катта еттилик" ка кирувчи давлатларни санаб беринг.

Ривожланган давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини амалга оширишда ТМК қандай ўрин тутади?



Саноати ривожланган давлатлар иштирокидаги қандай интеграцион гуруҳларни биласиз?

Япония иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни санаб ўтинг?

Япония иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги нималар хисобига эришилган?

**VI Мавзу бўйича тестлар:**

Ижтимоий бозор иқтисодиёти модели қайси давлатларга хос?

**а) АҚШ, Ирландия, Россия, Куба;**

**б) ХХР, Япония, Канада, Исроил;**

**в) Малайзия, АҚШ, Вьетнам, Исроил;**

**г) ЕИ, Канада, Исроил;**

**VII. Кейс-стади**

**«МАЦУСИТА ДЭНКИ»**

Электротехник фирма бўлмиш «Мацусита дэнки» компанияси капиталистик давлатлар ичида энг йирик 50 та саноат компаниялари каторига киради. Бу фирма махсулотларини ҳозирги кунда дунёнинг хоҳлаган бурчагида кўришингиз мумкин. Унинг бошқаруви «Япония бизнесменлари орасида Мацусита бошқарув усули» деган ном билан ажралиб туради.

Фирма асосчиси Каноске Мацусита ўзининг меҳнат фаолиятини велосипед тузатиш устахонасида жуда кам иш ҳақи эвазига ёрдамчи сифатида бошлаган. Ким билади дейсиз, агар у Том Эдисон ҳақида эшитмаганида ким бўлар эди. Том Эдисон кашфиётчи ҳамда ўзи ишлаб чиккан маҳсулотлари устахонасини ташкил қилган киши сифатида танилган эди. Мацусита сохта севги билан бу ишга кирмаган эди ва ўзининг шахсий ишини Эдисон сингари бошлашга қарор қилди. Шунда у ўзининг биринчи маҳсулотини бозорга чиқарди. Бу тўлиқтугатилган электр розетка эди, у электропатронга уланарди. Бу воқеа 1918 йилда бўлган, 10 йилдан сўнг «Мацусита дэнки» компанияси тонналаб электротехник жиҳозларни, Япония саноатининг янги маҳсулотларини чиқара бошлади. Каноске Мацусита узок умр кўрди. У 80 ёшларда ҳам компания бошлиги сифатида иш олиб борди.

Мацусита ўзининг фаолияти давомида уни юқори даромад келтирувчи бир қанча тамойилларини ишлаб чиқди. Улар орасида энг асосий ўрин эгалловчи тамойил персонал билан тўғри ишлаш дастуридир.

Мацуситадек Японияда ҳеч ким персонал билан ишлаш нозикликларига, иқтисодий механизм элементларини ўрганишга эътибор бермаган. Зеро бу иш жуда кўп бошқарув назоратини талаб қилади.

30-йилларда фирмада 1600 киши ишлаган пайтданоқ Мацусита бошқа япон ташкилотчиларига инсон омилига эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб берди. Унинг ғоялари натижасида Япония бошқарувида 3 та иерархик триада инсон, молия ҳамда технология яратилди. У буларда ўз муваффақиятининг биринчи сабабини кўради. Лекин бу ёлғонча қараш, яъни ҳозирги шароитда биринчи даражали техника ва технологиясиз фаолият юритиш мумкин эмас. Технология ўзининг маълум бир ўрнига эга, лекин биринчи ўринда персонал туради. Мацусита ҳамма вақт шундай саъарди, ҳозирда барча япон тадбиркорлари ҳам шундай санайдилар.

К.Мацусита ҳали ўзининг дастлабки фаолиятидаёқ бошқарувнинг марказлашган ва марказлашмаган кўринишлари билан қатъий шуғулланди. Бу ўрганишларида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган маълум бир ҳолатларда, уларнинг ҳар биридан фойдаланиш кераклигини уқтирди. (1945-1954 й.й.) Япониянинг урушдан кейинги иқтисодиётини тиклашда бошқарувнинг марказлаштирилган кўринишга ўтишини маъқул кўрди. Фирма, унинг фикрича, қатъий марказлашган бошқарувга муҳтож эди. Марказий штаб квартира деярли барча майда зарарларни ўз зиммасига олди.

Иқтисодиёт юксала бошлагандан сўнг фирма ташқи бозорга мослаша бошлади(1955-1960 й.й.). Мацусита кенг тарзда марказлашмаган бошқарувга бунда, инсонлар, ресурслар ва маҳсулотлар эркинлигига кўп эътибор берди. Нефть кризиси даврида (1973 й.) эса Мацусита қайта марказлашган бошқарувни амалга оширди.

Далиллар шуни кўрсатадики, Мацусита ташкил этган фирма структурасида бир марта эмас, балки ҳеч қачон орқада қолган таълимни кўришни умуман истамасди. У хоҳлаган звеносини, хоҳлаган пайтда янгидан қайта қуришга тайёр эди. Масалан: 1959 йил фирмада марказлашган аппарат учун мутлақо янгилик бўлган бош кенгашни ташкил этди. Кенгашда ундан ташқари яна икки киши бор эди. Улардан бирига жорий ишлаб чиқариш операциялари ҳамда ички бозордаги операциялар, иккинчисига - молиявий операцияларни назорат қилиш юклатилган эди. Мацуситанинг ўзи эса узоқ муддатли



режалаштириш билан шуғулланар эди. Кенгаш аъзолари тўлалигича эркин фаолият юритардилар. Мацусита аксарият холларда четда турарди. Албатта, у зийрак равишда фирма фаолиятини кузатарди ва қийинчилик вазиятларда ҳамма вақт уни бошқарув тепасида турарди.

1971 йилда Мацусита ўзидан президентлик ваколатини бўшатиб, директорлар кенгаши аъзоси бўлди. Бу борада у шундай дейди: «қачонки фирма ўз асосчиларини ривожланишдан ўзса, тўхтаб қолиш хавфи туғилади. Худди шу ҳозирда фирма тизимида кузатилди; ҳамма ўзининг курбошисига итоат қилади ва ишлар мен кутгандек жадаллик билан кетмаётганини сездим. Ҳамма вақт бошлиқ айтганини кузатиш мумкин эмас. Худди шу сабабли мен ўз ваколатимдан озод бўлиб, кейинги бошқарувчига ишни топширдим».

Бироқ 1977 йил фирманинг навбатдаги қийинчилигида у ўз бошқарувига қайтди ва фирма билан энг юқори кўрсаткичли бошқарувни амалга оширди. Мацусита 86 ёшида батамом ишдан озод бўлди.

Мацуситанинг қандай характерли бошқаруви ажралиб туради!

Биринчидан, фирмадаги барча бўлимларнинг ҳолати билан танишиш, улар хизматларининг барча функцияларидан воқиф бўлиш. Икир-чикирларигача ҳужжатлари билан танишиш, учрашувлар ва телефон суҳбатлари ҳамма вақт Мацуситани «бармоғи билан воқеалар пульсини ушлаб туришига» имкон берарди. Жуда тез ахборотлар менежерларни керакли пайтда президентнинг пайдо бўлишига имкон берарди. Мана бунда менежерга қўйилган талаб: «Агарда сенда 100 та ишчинг бўлса, сен ҳамма вақт уларнинг орасида бўлишинг керак, 1000 та бўлса, марказда ўрин эгаллашинг керак, агар сен 10000 кишини бошқарсанг, бир оз четда тур, уларнинг барчасини кузатадиган жойда бўл».

Иккинчи қирраси - қатъий тарзда фирма ишчилари ўзларининг профессионал касбларини бажаришга ҳаракат қилишидир. Мацуситанинг ҳамкори айтишича, Мацусита ҳар бир ходим унинг менежерларидан матонатли, қобилиятли ишчиларни жалб қилишни талаб қиларди. Шу зайлда Мацусита Япон халқ педагогикасидан ўзига мақсад қилиб қўйган, яъни «матонат ва ўз устида интенсив ишлаш ҳамма вақт омад келтиради».

Учинчидан, энергетик белгиларни кенгайтиришни тан олади. Кўрсаткичларсиз замонавий шароитда бошқариш мумкин эмас, -дейди у. Мацусита ёрдам ёки йўлланма кутувчи ходимларни йўқотишга ҳаракат қиларди.

Ниҳоят тўртинчи қирра - турли масалалар бўйича менежерлар орасида бахс-музокарани кенгайтириш ва энг маъқул йўлни қарор топтириш. Шу зайлда Мацусита бўлаётган бахс-музокаралар Япония

оилавий этикаси бузилишига йўл қўймасди: «Эр ва хотин ажралиш учун баҳслашмайди, балки бир-бирига яқинлашиш, кўпроқ кирра топиш учундир».

Шундай хулоса келиб чиқадики, Мацусита ўзининг фирмасида фалсафий тарбиясини, руҳий бойликларини ишчи, ходимларига сингдирди, мохиятан бутун мамлакатга тарқатди. Кўпинча бу фалсафани чуқур миллий ва хусусан анъанавий диний ва ғоявий тизим сифатида англаш мумкин.

Маълумки, Япония миллий диний руҳ билан тўлдирилган. Буларда японларни умуммиллат қизиқишларида ҳар бир одам қатнашиши ғоялари мужассамлашган. Тарихан японлар ҳаёти давомида авваломбор «умуммиллий», яъни давлати учун эмас миллати учун яшаш кўзда тутилади. Мацусита ҳам худди шундай тарзда ўз фирмаси, давлати ва ходимларини юксалтирди. Бу ғоя фирма гимнида акс эттирилди ва ҳар куни эрталаб саккизда бу гимнни куйланди:

Кучимиз ва ақлимизни бирлаштирамиз
Барча ишни ишлаб чиқариш гуллаши учун амалга оширамиз
Маҳсулотларимиз барча дунё халқларига оқиб борсин,
Улар уз луксиз ва абадий оқсин
Худди абадий фаввора суви каби.
Ривожлан, саноат ривожлан, ривожлан!
Яшасин гармония ва ҳаққонийлик!
Яшасин «Мацусита дэнки»!

23«Мацусита дэнки» компаниясида ходимларни тайёрлаш тизими биринчидан уларни профессионал таълим ва иккинчидан фирма тартиб кодексини ўзлаштириш билан амалга оширилди. Фирма кодексини ўзлаштиргандан сўнг, махсус дарсларга қатнашдилар ва бунда: «Агар сен билмай хатоликка йул қўйсанг, фирма сени кечиради, агар кодексдан бош тортсанг, сенга кечирим йуқлиги уқтирилади.

Мана бу кодекс: «Бизнинг тамойилларимиз ўзимизнинг ишда жавобгарликни ҳис этиш ва жамиятимиз яхшиланишига ҳисса қўшиш. Ўзимизни жаҳон цивилизацияси ривожланишига бағишлаш.

Бизнинг кредо. Цивилизация ривожланиши - бу абстракция эмас. Барчамиз ўз кучимиз билан бунга интиламиз. Ҳар биримиз буни ҳамма вақт эсда тутишимиз керак. Фирмага содиқлик - омад калитидир.

Бизнинг руҳий бойлигимиз:
1. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан хизмат қилиш.
2. Ҳаққонийлик.
3. Гармония ва ҳамкорлик.
4. Эътибор ва буйсуниш.
5. Сифат учун кураш.



6. Фирма билан хамжихатлик.
7. Фирмага ташаккурлик.

Тартиб кодекси биринчи навбатда ходимни психологик тайёрлашга кўзланган. Мацусита ҳар бир звено менежерлари бу кодексни фақат ўзлари учун эмас, балки улар қўл остидаги ходимларига ҳам сингдиришлари лозим эди. Бу холларни қалбдан қабул қилган ҳар бир фирма ходими Мацусита фикрича, улардан максимал меҳнат ва юқоридан буйруқ кутмасдан, керакли натижага эришилишга мумкин дер эди.

## VIII. Муҳокама учун саволлар:

1.Япония менежментининг асосий фарқи қаерда, сиз бунга қандай қарайсиз?
2.Юқоридаги мисолда Япониянинг юксалишига энг асосий омил нима деб ўйлайсиз, бизда бу муҳитни яратиш мумкинми? Нима учун?
3.Мацусита бошқарувида 2 хил кўриниш мавжуддир. Қайси бири тўғри йўл деб ўйлайсиз? Нима учун?

## IX. Адабиётлар:


- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т. Ўзбекистон, 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: "Ўзбекистон", 2005й.
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма ТДИУ, 2005.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003.
- Кирсев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004.;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П. Колесова и М.И. Осьмовой. М.:, «Флинта», 2004.


## X.Ушбу мавзу юзасидан диаграмма,схема ва шакллар слайдлари

**Япон иқтисодчиси Омаэ Кеньитининг "Мамлакатда ресурсларининг етишмаслиги кўпроқ афзаллик келтириши мумкин" деган ибораси ўринлидир. Жумладан, импорт қилинадиган ресурслар:**

| | |
|---|---|
| Нефтнинг | 99.7% |
| Темир руданинг | 99.9% |
| Рангли металнинг | 75%-99% |
| Боксид никел ва бошқа нодир металларнинг | 100% |

### 7 мавзу. Халқаро корпорациялар халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъекти сифатида

**I.Режа**

7.1.Трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) кўринишлари ва уларнинг вужудга келиши сабаблари.
7.2.ТМК фаолиятининг асосий хусусиятлари.
7.3.ТМКнинг халкаро иқтисодий муносабатларида тутган ўрни.

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалар, ном ва иборалар**

кўпмиллий корпорациялар(КМК), байналмилал корпорациялар(БК), трансмиллий корпорациялар(ТМК), глобал корпорациялар(ГМ), резидент-давлатдан ташкарида сотилган махсулотлар микдори , халкаро корпорацияни активлари структураси, "Рояль-Датч шелл".



АВВ (Asea Browr Bovery), "Нестле", "Форд", "Женерал моторс", "Эксон" ,"ИБМ", "Электролюкс" франчайзинг.

**III. Мавзудан кўзланган мақсад:**

1.Трансмиллий корпорациялар кўринишлари( кўпмиллий корпорациялар(КМК), байналмилал корпорациялар(БК), глобал корпорациялар(ГМ), ва уларнинг вужудга келиши сабабларини ўрганиш
2.ТМК фаолиятининг асосий хусусиятлари билан танишиш
3.ТМКнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва уларнинг ривожланиш истиқболига бахо бера билиш.

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

**Биринчи савол юзасидан гапирар экансиз,** жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашганлигига эътибор беринг. Нега айнан шу ҳудудларда жойлашган?Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 40%и, халқаро савдони эса 50-55%и устидан йирик ТМКлар ўз назоратини ўрнатган. ТМК корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг йиллик миқдори 1 трлн. долл.дан ошиқроқни ташкил этиб, уларда 73 млн.дан ортиқ киши фаолият кўрсатади, (яъни жаҳонда банд аҳолининг 1/10 қисмини ташкил этади.) Хўш, трансмиллий корпорациялар нима, уларга қанақа компаниялар киради? Анъанавий равишда халқаро корпорациялар фаолиятини ўрганадиган БМТ узоқ вақт мобайнида уларга йиллик айланмаси 1 млрд. долл.дан ошувчи ва камида 6 давлатда филиали бўлган фирмаларни қўшарди. Кейинги йилларда бошқа бир курсаткич: резидент-давлатдан ташқарида сотилган маҳсулотлар миқдори киритилди.Сиз яна қандай кўрсаткичларни қўшган бўлар эдингиз? Трансмиллий корпорацияларнинг кўринишлари ҳақида гапирар экансиз, кўпмиллий корпорациялар(КМК), байналмилал корпорациялар(БК), глобал корпорациялар(ГМ)га таъриф беринг ва жавобингизни мисоллар билан асосланг. Трансмиллий корпорациялар

пайдо бўлишига сабаб -миллий-давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашувидир. Халқаро корпорациялар вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, ўз қўлида жаҳон кундалик электр жиҳозлари ва саноат ускуналари бозорининг 25%ини ушлаб турган "Электролюкс" (Швеция) ТМКни кўрсатишингиз мумкин.

**Иккинчи савол юзасидан** маълумот таҳлилини ўз экспансиясини кенгайтира бориб, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларидан фойдаланганлигидан бошлаш керак . Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади ва ҳиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг қатнашишига боғлиқ эмас. ТМК иқтисодиётининг бундай шаклларига кўпинча қуйидагилар киритилади: 1) лицензия бериш;
2) франчайзинг; 3) бошқарув шартномалари; 4) техник ва маркетинг хизматлари кўрсатиш;
5) корхоналарни "тап-тайёр қилиб " топшириш; 6) вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш ҳақидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувларни батафсил тушунтириш керак ва мисоллар билан асослаш керак.

**Учинчи савол юзасидан.** Трансмиллий корпорациялар замонавий жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланганлигига эътибор бериш керак. Трансмиллий корпорациялар инвестицияларининг минтақавий-соҳавий йўналиши жуда характерли эканлигини таҳлил қилинг. Одатда, улар "янги индустриал давлатлар"га, нисбатан ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қайта ишловчи саноатига капитал қўядилар.Бошқа ривожланаётган мамлакатларгачи?

Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКларининг хориждаги фаолияти уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларинг характерини белгилаб беради

Трансмиллий корпорациялар у ёки бу давлатнинг халқаро иқтисодий алоқалар тизимидаги тақдирини аниқловчи омилга айланишмоқда. ТМКнинг фаол ишлаб чиқариш, инвестицион, савдо фаолияти туфайли улар ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тақсимлашнинг халқаро тартибга солувчисига айланишмоқда ва ҳатто



БМТ экспертларининг фикрича жаҳонда иқтисодий интеграциясига шароит яратилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатаётган давлатлар иқтисодиётига негатив таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим.Улар қандай характерга эга?.

Трансмиллий корпорациялар- етарли даражада мураккаб ва доимий равишда ривожланиб бораётган феномен эканлигини асосланг.

## V . Такрорлаш учун саволлар:

1. Ҳар қандай йирик корпорация ҳам ТМК бўла оладими?
2. Трансмиллий корпорациялар у ёки бу давлатнинг халқаро иқтисодий алоқалар тизимидаги тақдирини аниқловчи омилга айланиши мумкинми?

## VI. Мавзу бўйича тестлар

Вакиллар (Резидентлар) узок йиллар давомида у ёки бу мамлакатларда яшовчи давлатни ишончли кишилардир. Вакил сифатида улар гувох бўлиши мумкинми?

а) жисмоний шахс;
б) юридик шахс
в) жисмоний ва юридик шахс;
г) давлат хизматчиси.

## VII. Кейс-стади

### Philips компанияси маиший техника ишлаб чиқариш заводларини сотмоқда

*Philips electronics* компанияси маиший техника ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бир нечта заводларини сотишни мўлжалламоқда. Бундан ташқари, *Philips* видеомагнитофонларини ишлаб чиқариш ҳуқуқи япониянинг Funai Elecric корпорациясига берилади. Голландия компаниясининг бу қарори рақамли видеодисклар ишлаб чиқариш каби видео ёзиш соҳасининг жуда мукаммал ривожланиб

кетиши билан изохланади. *Philips*нинг маиший бўлим мудири Ги Демейнк нинг фикрига кўра Funai Elecric билан ҳамкорлик компанияга дунёда етакчи ўринлардан бирини саклаб қолишида қўл келади. Агар аввал японияда *Philips* маркаси билан ишлаб чикарилган видеомагнитофонлар АҚШ учун сотилган бўлса, энди бу маҳсулот Европа бозорини ҳам тўлдириши кўзда тутилган.

Июнь ойида голландия компанияси раҳбарияти фойда келтирмаётганлиги сабабли, мобил телефонлар ишлаб чикариш ҳуқуқини Хитойдаги қўшма корхонага берилишини эълон қилди. Харажатларни қисқартиришга йўналтирилган реструктризация режаси ўз ичига оммавий равишда ходимлар штатларини қисқартиришни ҳам ўз ичига олади. Олдин 10 мингта ходимни ишдан бўшатиш режалаштирилган эди. Реструктризация аввало маиший техника соҳасидаги ходимларга каратилади. Таҳлилчилар фикрига кўра, компанияни бошқариш курси ва йўналиши олдиндан айтиш мумкин, чунки *Philips* компанияси маиший техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

## VIII. Муҳокама учун саволлар:

1.Халкаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўгрисида гап кетмоқда? Ким унинг субъекти ҳисобланади?
2.Ушбу холатни халқаро савдонинг қайси назарияси тўларок ва аниқрок ёритади?

## IX. Адабиётлар:


- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXIасрга интилмокда" Т. Узбекистон,. 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: "Узбекистон", 2005й.
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўкув қўлланма. ТДИУ, 2005.





- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристъ. 2003.
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004. ;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П. Колесова и М.И. Осьмовой. М.: «Флинта», 2004.


## X.Ушбу мавзу юзасидан диаграмма,схема ва шакллар слайдлари




## 8 мавзу: Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий хусусиятлари

1.Режа:

8.1 Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва дифференциацияси.

8.2 Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар

**алмашинувида тутган ўрни**
**8.3 Хорижий сармояларнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги тутган ўрни.**

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалар, ном ва иборалар**

Ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, "учинчи дунё мамлакатлари", "жануб" мамлакатлари, "периферия" мамлакатлари, икки кутбли табақалашув, янги индустриал мамлакатлар, мутлақо турғунлик холатидаги қашшоқ мамлакатлар, иқтисодиётининг кўп укладли характерга эгалиги, капитализмнинг периферик характери,
анъанавий товарлар экспорти, "Қашшоқлик ботқоғи",

**III. Мавзудан кўзланган мақсад:**

1.Ривожланаётган давлатларга иқтисодий таъриф бериш, уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш

2. Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий дифференциялашувини таҳлил қилиш

3.Ривожланаётган давлатларнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, уни ривожлантиришдаги роли.

4.Ривожланаётган давлатлар ички бозорларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

**Биринчи савол юзасидан гапирар экансиз,** сиз XX асрнинг 60–инчи йилларидан бошлаб халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, собиқ мустамлака ва қарам территорияларнинг роли ва аҳамияти кучайиши ҳисобланишини назарда тутинг. Бу мамлакатларни ҳозирда ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар сифатида тилга олишади.



Бу мамлакатлар турли-тумандир, уларнинг худудида 3,2 млрд аҳоли яшайди. Ушбу мамлакатлардаги иқтисодиётнинг ривожланиши XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб тобора ўсиб борувчи характер касб этди. Уларнинг ичидаги дифференциацияга эътибор беринг -бунинг учун икки қутбли табақалашув жараёнига аҳамият беринг.

Ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятларни алоҳида ажратиб курсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш мумкин:

1.Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп укладли характерга эгалиги;

2.Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, қишлок хўжалиги ва ижтимоий инфраструктуранинг қолоқ эканлиги (биринчи гурух, "юқори қутб" мамлакатларини хисобга олмаганда).

3.Улар иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимида қарам ҳолатда эканлиги, капитализмни периферик характер касб этиши.

Ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган ухшаш томонларя -уларнинг қашшоқлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, саноати ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда қарздорлиги бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ўзининг тулақонли ижтимоий ривожланиши, аҳолисининг яшаш даражаси бўйича шимолнинг саноатлашган илғор мамлакатларидан 20-50 маротаба орқада қолмоқда.

Иккинчи савол юзасидан ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган урни ва роли ҳақида фикр юритар экансиз, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алоқаларининг ривожланиши, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро оқиб юриши, иқтисодий тараққиётнинг асосий шарт-шароитларига айланиб қолиши, мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш оркали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 70 йилларнинг бошларидан эътиборан халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишга интилганлигига эътибор беринг. Бунинг натижасида уларнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш зарурияти улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни етиштириш

имкониятига эга эмаслиги ва ҳозирги пайтда улар саноати ривожланган мамлакатлар учун хом ашё етиштириб берувчилар ҳамда нисбатан арзон ишчи кучи манбаи бўлиб ҳисобланишига олиб келди.

Ҳозирги кунда вазият ўзгардими?

Анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг умумий жаҳон экспортидаги улуши секин асталик билан ошиб бормоқда. Буни статистик рақамлар билан асосланг.

Саноат экспорт хажмининг ўсишида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим роль ўйнайди. Уларни экспорт қилиш 1970-1991 йиллар оралиғида 90 маротаба яқин ўсиб боради ва уларнинг ўсишида саноатнинг умумий улуши 35,7% ни ва товар экспортининг умумий хажми 22% ни ташкил этади. Жаҳон саноати экспортида ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиб бориши кузатилдими? Шунингдек, баъзи бир мамлакатлар 1980-1992 йиллар мобайнида хом ашёларни четга чиқариш ҳисобига ўзларининг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш имкониятларини ўзгартиришга эришдиларми?.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижаларини баҳолаш орқали жаҳон хўжалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида қурилганлигини кўриш мумкин. Баъзи бир мамлакатлар ФТТ ютуқларидан фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисми олдиндек анъанавий индустриаллашувига, баъзи бир қисми эса индустриаллашувигача бўлган технологияларга асосланиб тараққий этмоқда. Бу фикрни статистик рақамлар билан асосланг.

<u>**Учинчи савол юзасидан.**</u> "қашшоқлик ботқоғи"дан қутилишга интилиш, иқтисодиётнинг илғор тармоқлари ривожланишга имконият яратиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатлардан хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этишини асослашингиз керак. Жалб қилинаётган хорижий сармоялар қай даражада самарали ишлатилмоқда?

Трансмиллий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу корпорациялар техник тараққиётининг ички



омилларига жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар "учинчи дунё" мамлакатларининг ривожланишида юксак аҳамият касб этмоқда. Буни қуйидаги вазиятлар орқали асосланг:

1. Бир қатор тармоқларда қўлланиладиган техника ва технологиялар етказиб бериш (енгил саноат, тўқимачилик саноати, электрон саноати).

2. Ривожланаётган мамлакатларни хом ашё экспорт қилувчилардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш.

3. Шу жумладан трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларининг тезлашувини таъминлайди. .

4. Шунингдек, ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд бандлик муаммоларини ҳам бартараф этадилар.

5. Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатишда ТМКлар имкониятидан фойдаланишни таклиф этадилар.

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМКларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурий параметрларни излаб топмоқдалар Жавобингизни мисоллар билан асосланг.

<u>**У. Такрорлаш учун саволлар:**</u>

1.Ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятларни алоҳида ажратиб кўрсатинг.

2.Ривожланаётган мамлакатлар хом ашёларни четга чиқариш ҳисобига ўзларининг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш имкониятларини ўзгартиришга эришдиларми?.

3.Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига қайси давлатлар киради?

Ривожланаётган мамлакатлар неча гуруҳга бўлиб ўрганилади?

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг қандай умумий хусусиятлари мавжуд?

Ривожланаётган давлатлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш қандай аҳамиятга эга?

Нима сабабдан ривожланаётган ва саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги иқтисодий ривожланишдаги фарқ ошиб бормоқда?

Ривожланаётган давлатларнинг халқаро қарзлари муаммоси хақида гапириб беринг.

**VI. Мавзу бўйича тестлар**

1. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий хусусияти нима?

**а) ривожланган саноат;**
**б) кўп укладлилик;**
**в) ривожланган хизмат сохаси;**
**г) саноати ривожланган мамлакатларга иқтисодиёти тобе;**
**д) ташқи қарзни узиш.**

2. Кам ривожланган мамлакатлар гурухини курсатинг.

**а) Судан, Оман;**
**б) Жазоир, Ирок, Эрон;**
**в) БАА, Гамбия, Гаити;**
**г) Гаити, Яман, Чад;**
**д) Чад, Бутан, Бахрейн.**

3. Ривожланаётган мамлакатлар асосан дунёнинг қайси қитъаларида жойлашган?

**а) Осиё, Африка ва Лотин Америкасида;**
**б) Европада;**
**в) Шимолий Америкада;**
**г) Европа ва Осиёда.**

4. Африкадаги ривожланаётган давлатларга хос бўлган хусусият.

**а) ташқи бозорларни кенгайтириш;**
**б) оғир саноатни ривожлантириш;**
**в) мустамлакачилик қолдиқларининг мавжудлиги.**

5. Хозирги кунда Хиндистон Республикаси ўз ривожланишига кўра қандай мамлакат?

**а) индусриал;**
**б) аграр;**



**в) аграр-индустриал;**
**г) индустриал-аграр.**

**VII. Кейс-стади**

**"Шубха остидаги самарадорлик"**

Учинчи минг йилликнинг бошида ер шари ахолисининг учдан бир қисми қашшоқлик чизиғи ортида яшамоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (Женева, Швейцария) маълумотларига кўра бир миллиардга яқин одам ишсиздир, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 80% ижтимоий химоядан махрумдир. Шу пайтнинг ўзида ривожланган мамлакатларда ахоли жон бошига яратилган Ялпи Ички Маҳсулот миқдори нисбатан тараққий этган ривожланаётган мамлакатларникига қараётганда ўнлаб марта кўпдир.

Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериши керакми? У тухфа шаклида бўлиши керакми? Умуман бундай ёрдам қанчалар самарага эга?

2000 йил сентябрь ойида Жанубий Африка Республикасининг пойтахти Йоханнесбург шахрида бўлиб ўтган Минг Йиллик Саммитида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тараққиёт учун ёрдам Ялпи Ички Махсулотнинг 0,7 % ажратилиши мақсадга мувофиқ деб топилди ва Жахон Банкининг хисоб китобига қараганда хозирги кўрсатилаётган 50 миллиард АҚШ долларидан 90 – 110 миллиард долларига етиши мумкин экан.

**Тараққиёт учун халқаро ёрдам 2002 й.**

Жадвал № 1

| Мамлакатлар | 2001 | | 2002 | | 2002 да 2001 га % |
|---|---|---|---|---|---|
| | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | |
| Австралия | 987 | 0,27 | 852 | 0,25 | -6,3 |
| Австрия | 423 | 0,23 | 457 | 0,25 | 9,2 |
| Бельгия | 820 | 0,36 | 866 | 0,37 | 6,7 |
| Буюк Британия | 4501 | 0,32 | 4659 | 0,32 | 6,2 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Германия** | 5030 | 0,27 | 4879 | 0,27 | -1,5 |
| **Греция** | 226 | 0,20 | 194 | 0,19 | -13,4 |
| **Дания** | 1664 | 1,06 | 1599 | 1,01 | -7,1 |
| **Ирландия** | 235 | 0,30 | 285 | 0,33 | 20,0 |
| **Испания** | 1195 | 0,22 | 1748 | 0,30 | 44,8 |
| **Италия** | 1376 | 0,13 | 1493 | 0,14 | 8,8 |
| **Канада** | 1744 | 0,25 | 1572 | 0,23 | -7,1 |
| **Люксембург** | 123 | 0,72 | 142 | 0,80 | 17,3 |
| **Голландия** | 3135 | 0,84 | 3155 | 0,82 | -1,1 |
| **Янги Зеландия** | 113 | 0,25 | 111 | 0,25 | 1,1 |
| **Норвегия** | 1264 | 0,80 | 1346 | 0,83 | 6,8 |
| **Португалия** | 271 | 0,26 | 267 | 0,25 | -2,9 |
| **АҚШ** | 9955 | 0,10 | 10884 | 0,11 | 7,0 |
| **Финляндия** | 371 | 0,31 | 389 | 0,33 | 5,7 |
| **Франция** | 4105 | 0,32 | 4293 | 0,34 | 5,9 |
| **Швейцария** | 890 | 0,34 | 908 | 0,34 | 0,1 |
| **Швеция** | 1799 | 0,80 | 1576 | 0,76 | 3,1 |
| **Япония** | 13508 | 0,28 | 9678 | 0,23 | -18,1 |

Манбаа: Экономическое обозрение № 9, 2003, с. 31

**VIII. Муҳокама учун саволлар:**

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг тараққиёти учун ёрдамининг қайси шаклларини биласиз?
2. Ривожланган мамлакатларининг моддий ёрдами қай даражада самарали бўлиши мумкин?
3. Барча ривожланаётган мамлакатлар ҳам берилаётган ёрдамни ўзлаштириш учун етарли бўлган инфраструктурага эгами?

Ривожланаётган мамлакатлар гурухига қайси давлатлар киради?

Ривожланаётган мамлакатлар неча гурухга бўлиб ўрганилади?

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг қандай умумий хусусиятлари мавжуд?

Ривожланаётган давлатлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш қандай аҳамиятга эга?



Нима сабабдан ривожланаётган ва саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги иқтисодий ривожланишдаги фарқ ошиб бормоқда?

Ривожланаётган давлатларнинг халқаро қарзлари муаммоси ҳақида гапириб беринг.

**Биринчи жадвални таҳлил қилинг, Муҳокама қилинг.**

**IX. Адабиётлар:**


- Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т. Узбекистон,. 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: "Узбекистон", 2005й.

  Каримов И.А.
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2005.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003.
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004. ;
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004.
- Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. под ред. В.П. Колесова и М.Й. Осьмовой. М.:, «Флинта», 2004.


**X.Ушбу мавзу юзасидан диаграмма,схема ва шакллар слайдлари**




### 9 мавзу: Хитой иқтисодиётининг динамикаси.

**Режа:**

**9.1 Умумий тавсиф**

**9.2 ХХР иқтисодиёти ривожланиш модели**

**9.3 Хитой иқтисодиёти тавсифи**

**Адабиётлар:**

- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. 2004.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003 .
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 1. 2004 .
- Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч. Часть 2. 2004.
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003 .
- Спиридонов И.А. Мировая экономика. Уч. пос. Инфра-М. 2004 .
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўкув қўлланма. ТДИУ, 2005



### 10 мавзу: Янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги тутган ўрни. Эркин иқтисодий зоналар.

**I. Режа:**

1. **Жанубий-шарқий Осиё ЯИМлари иқтисодиёти ривожланишининг хусусияти**
2. **Янги индустриал мамлакатларнинг ривожланиш моделлари тавсифи**
3. **Эркин иқтисодий зоналар**

**II. Ушбу мавзунинг талаба билиши шарт бўлган таянч тушунчалар**

Таянч иборалар: юқори даражада ривожланаётган, ўртача даражада ривожланаётган, паст ривожланган мамлакатлар, "янги индустриаллашиш", ЯИМ ўсиш суръатлари, ташқи савдо айланмасининг ўсиши, "учаётган гозлар" модели, "зинапоя усули" технологияси, экспортга йўналтирилганлик ва импортни ўрнини қоплаш сиёсатлари,бонд омбори,оффшор зона, дьюти фри, Макиладорас, капитал миграцияси, портфель инвестициялар, тўғри инвестициялар, ТМК, янги технологиялар киритиш худудлари.

**III. Мавзудан кўзланган мақсад:**

1. Янги индустриал мамлакатларга иқтисодий таъриф бериш, уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш.

2. Янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, уни ривожлантиришдаги роли.

3. Эркин иқтисодий худудлар ташкил қилиш ва улар фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганиш

**IV. Мавзу юзасидан услубий тавсиялар:**

**Биринчи савол юзасидан гапирар экансиз,** "янги индустриал мамлакатлар" ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидан иқтисодий параметрларнинг барча системалари бўйича ажралиб

туришини алоҳида таъкидлашингиз керак. Ҳар қандай ривожланаётган мамлакат ҳам "Янги индустриал мамлакатлар" қаторига Осиёдаги туртта - Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги ЯИМ –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар қаторига кира оладими? Бу саволга жавоб бериш учун сиз БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича ЯИМ қаторига кирувчи мамлакатлар кретерияларини ўрганиб чиқинг. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотларнинг миқдори.
2. Унинг ўртача йиллик ўсиш суръати;
3. ЯИМ таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори. У 20% атрофида бўлиши керак;
4. Чиқариладиган товарлар умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдори;
5. Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг умумий миқдори;

Бу кўрсаткичлар бўйича ЯИМ нафақат ривожланаётган мамлакатлар олдида ажралиб туради, балки айрим холларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эга бўлишини статистик рақамлар билан асослашингиз керак бўлади.

Бунинг учун сиз қуйидаги жадвалга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Осиёнинг Янги индустриал мамлакатларидаги ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати (%)да**

| Мамлакатлар | 1980-90 йиллар ўрталарида | 1991 й. | 1992 й. | 1993 й. | 1994 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Ж.Корея | 9,9 | 8,3 | 7,3 | 6,4 | 7,6 |
| Тайвань | 8,3 | 7,3 | 6,7 | 6,7 | 6,9 |
| Гонконг | 7,1 | 4,0 | 5,8 | 5,4 | 5,5 |
| Сингапур | 6,3 | 7,0 | 6,1 | 6,0 | 6,1 |
| Малайзия | 5,1 | 8,6 | 8,5 | 7,6 | 7,5 |



Қайси сабабларга кўра "янги индустриал мамлакатлар"ни ривожланаётган дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажратиб кўрсатиш мумкин? Бу саволга батафсил жавоб бериш учун "янги индустриал мамлакатлар" нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолганлиги ва бу мамлакатларга чексиз иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб қувватлаш ёрдамлари кўрсатилганлигини асослаб беринг.

Иккинчи савол юзасидан Осиёдаги "янги индустриал мамлакатлар" аҳолисига хос бўлган меҳнатсеварлик интилувчанлик, тартиблилик, матонатлилик сингари ноиқтисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этишига эътибор беринг. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги ЯИМ нинг икки модели ўртасидаги ўзига хос бўлган беллашувда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бу моделларнинг ўзига хос томонлари нимада?

Биринчиси - миллий иқтисодиётнинг ташқи бозор ва экспортга томон устивор йўналишлар орқали ривожланишини тушунтириб беради. Иккинчи модель – импорт ўрнини эгаллашга қаратилганлигини мисоллар билан асосланг. Ушбу икки моделнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг.

Осиё "Янги индустриал давлатлари" саноат экспортининг юқори динамикасини таъкидлаган ҳолда, айтиш керакки, анъанавий товарлар экспорти ташқи савдо оборотида аввалгидек муҳим, айрим товарлар бўйича эса хал қилувчи ўринни эгалларди. Масалан, хом ашё ва озиқ-овқатнинг Жанубий Корея ва Тайван экспортидан улуши мос равишда 7,1 ва 7% га тенг эди. 1990-91 йилларда экспортда қиймати бўйича иккинчи ўринни Жанубий Кореяда пойабзал, Тайванда эса ўйинчоқлар ва спорт товарлари эгалларди. Ушбу таъкидларни технологик" "зинапоя усули"орқали тушунтиришга ҳаракат қилинг.

Бу давлатларда қабул қилинган иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши бўлиб илм- ва фан-талаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш қолмоқда. Мисоллар билан асосланг.

ЯИД ривожланишидаги қўлга киритилган ютуқлар, уларнинг жаҳон хўжалигига интеграцияси уларнинг, иқтисодий ўсишининг истиқболлари, аҳоли турмуш даражасининг ўсиш ва уларнинг ташқи

иқтисодий экспансияларининг ошиши етарли даражада қулай деб ишонч билан айтишга имкон беради. XXI асрда бу давлатлар жаҳон иқтисодий ҳукмронлигида юқорироқ ўрин эгаллайдилар ва янги муҳим натижаларни намойиш қиладилар.Сиз буни нима билан изоҳлайсиз?

6. <u>Учинчи савол юзасидан.</u> эркин иқтисодий худудлар ҳақида гап юритилади.

"Эркин (махсус) иқтисодий ҳудудлар" жаҳон хўжалигининг сезиларли ҳолатига айланди. Амалда эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон капитал хўжалиги микёсида миграция қилиб юрган капитал учун қопқон хисобланади.Сиз бу гапни қандай изоҳлайсиз?
Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш ва улар фаолиятининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жаҳон бозори билан интеграцияни чуқурлаштириш, халқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тузилган ҳудудлар (эркин савдо ҳудуди, экспорт ишлаб чиқарилиши, божхона ва бошқа ҳудудлар) билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташкил қилинган алоҳида режимли махсус зоналар хам мавжуд бўлишига эътибор беринг. Иқтисодий ҳудудлар ташкил қилинади. Бу эса қолоқ туманларни динамик равишда ривожланаётган туманларга айлантириш имкониятини беради. Аммо саноати ривожланган давлатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда кўпроқ хорижий капитални жалб қилишга ҳаракат қилинади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкилий, ҳуқуқий тизими турли-тумандир. Айрим ҳолларда у ёки бу эркин иқтисодий ҳудудни аниқ классификациялаш қийин, чунки улар кўплаб ҳудудларнинг хусусиятларига эга. Россиялик мутахассислар томонидан хўжалик ихтисолашуви - ҳудудда фаолият курсатаётган асосий кўпчилик фирмаларнинг ихтисослашуви бўйича классификация ишлаб чиқишган схемага қаранг ва эркин иқтисодий ҳудудлар классификациясидаги марказий ўрин саноат қайта ишлаш ҳудудларига берилганлигига эътибор беринг…



Схема
Эркин иқтисодий ҳудудларнинг кўринишлари

| I. Савдо | II. Саноат-ишлаб чиқариш | III. Техника киритиш | IV Хизмат |
|---|---|---|---|
| 1. Эркин божхона<br>2. Бонд омборлари<br>3. Эркин портлар<br>4. Эркин савдо ҳудудлари | 1. импорт ўрнини босувчи<br>2. Экспортга ишлаб чиқарувчи<br>3. Саноат зоналари<br>4. Илмий-саноат парклари<br>5. Макиладорас (Мексика) | 1. Технополис.<br>2. Технопарк.<br>3. Янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудуди. | 1. Оффшор.<br>2. Молиявий марказлар<br>3. Банк хизматлари ҳудуди.<br>4. Туризм хизматлари<br>5. Экопарк<br>6. Дьюти фри |
| | V. Мажмуавий | VI. Халқаро | |

Эркин иқтисодий ҳудудлар ҳақида гапирар экансиз, техника киритиш ҳудудларига алоҳида эътибор беринг. Улар стихияли тарзда ҳосил бўлади ёки махсус равишда давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил қилинади. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилик лойиҳа, илмий ишлаб-чиқариш фирмалари жамланади.

Энг кўп техника киритиш ҳудудлари АҚШ, Япония, Хитойда фаолият кўрсатмоқда. АҚШда уларни технопарклар, Японияда – технополислар, Хитойда – янги ва илғор технологиялар ҳудуди деб аталади.

Жаҳонда энг машҳур ва АҚШда энг йирик "Силикон Вэлли" номли технопарк жаҳон ҳисоблаш техникаси воситалари ва компьютерлар ишлаб чиқаришининг 20%ини беради. Умуман АҚШда 80дан ортиқ бундай ҳудудлар мавжуд. Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида илғор илмий ташкилотлар асосида йигирмага яқин технополислар ташкил қилинган. XXI-да ҳам бундай ҳудудлар одатда давлатнинг илм ва техникани ривожлантириш режаларини амалга ошириш пайтида ташкил қилинади. 90-йилларнинг ўрталарида Хитойда 50дан ортиқ янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари ишлаган.

Тадқиқотларга қараганда, эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий капитал жалб қилишга кетадиган харажат ўрта ҳисобда 1 долл. хориж капиталига 4 долл.га тўғри келади. XXI-да масалан, 80-йилларнинг охиридаги 4 ЭИХдаги хорижий капитал 4 млрд. долл.ни ташкил қилган бўлса, Хитойнинг ўзи киритган маблағлар 22 млрд. долл.ни ташкил қилди. Амалда Хитойда ЭИХнинг инфраструктураси марказий давлат маблағлари ҳисобига вужудга келтирилди.

**V . Такрорлаш учун саволлар:**

1. ЯИМлар қаторига киритишда қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?
2. ЯИМларнинг жадал иқтисодий ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатган?
3. ЯИМ қандай ривожланиш моделлари мавжуд?
4. ЭИҲнинг қандай шаклларини биласиз?
5. Эркин савдо ҳудудлари қаерларда ташкил қилиниши мумкин?
6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЭИҲ ташкил этиш истиқболларига қандай қарайсиз?

**Адабиётлар:**


- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Узбекистон,. 1996
- Каримов И.А. "Узбекистон 21 асрга интилмокда" Т. Узбекистон,. 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш.
- Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2005
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. 2004г.
- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003 г.
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004 г.
- Ливенцев Н. Международные экономические отношения. Учеб. 2001 г.





- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003 г.
- Спиридонов И.А. Мировая экономика. Уч. пос. Инфра-М. 2004 г.


**Интернет-ресурслар:**

- httr//www.cer.ru.
- http//www.wto.org
- http//www.worldbank.org
- http//www.finansy.ru

**10. Янги индустриал давлатларнинг иқтисодий ўсишининг сабаблари:**

а) янги технологиялардан фойдаланиш;
б) оғир саноатни ривожлантириш;
в) иқтисодиётда йирик монополияларнинг мавжудлиги;
г) япон капиталининг таъсири.

**11. Янги индустриал давлатларда ишлаб чиқаришнинг қайси тури етакчилик қилади?**

а) йирик саноат;
б) майда товар ишлаб чиқариш ривожланганлиги;
в) қишлоқ хўжалиги сектори;
г) хорижий корхоналар.

**12. Янги индустриал давлатлар жаҳоннинг қайси регионида жойлашган?**

а) Осиё-Тинч океани регионн;
б) Африка региони;
в) Лотин Америкаси регионн;
г) а ва в жавоблар тўғри.

Янги индустриал мамлакатлар каторига куйидаги мамлакатлар киради.
Биринчи авлод мамлакатлари:

- Жанубий Корея
- Тайван
- Гонконг
- Сингапур
- Мексика
- Аргентина
- Бразилия

Иккинчи авлод мамлакатлари:

- Таиланд
- Индонезия
- Малайзия
- Филиппин
- Чили
- Тунис

Учинчи авлод мамлакатлари:

- Хитойнинг жанубий вилоятлари
- Ҳиндистон
- Вьетнам
- Покистон

**Янги индустриал мамлакатларда машина ускуна ва транспорт воситалари экспорти 2000 йил (млрд.$)**






## 16 мавзу: Халқаро иқтисодий интеграция ва унинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири

**16.1. Иқтисодий интеграциянинг объектив асослари ва босқичлари.**

**16.2. Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишининг ўзига хос томонлари.**

**16.3. Минтақавий иқтисодий интеграциянинг асосий белгилари (НАФТА, МЕРКОСУР, АТЭС ва б.).**

**Таянч иборалар:** эркин иқтисодий ҳудуд, божхона иттифоқи, тўлиқ иқтисодий иттифоқ, қонунчиликнинг унификацияланиши, Европа Иттифоқи, Маастрихт шартномаси, Ягона Европа Акти, НАФТА, ЕврАзЭс , ОТИХ,"Меркосур", АСЕАН, ИҲТ.

### 16.1. Иқтисодий интеграциянинг объектив асослари ва босқичлари.

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъанасига айланди. Жаҳон хўжалигини глобал байналмилаллашувининг асосий тенденцияларидан бири шундаки, маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гуруҳининг таъсир зонаси вужудга келмоқда. Бу давлатлар ва давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари океанида ўзига хос қитъалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи ўзига хос интеграция марказларига айланмоқдалар.

Иқтисодий интеграция ўз навбатида, бу жараён иштирокчилари бўлган давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашувига имкон яратмоқда. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ занжир шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳнат тақсимоти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви - иқтисодий интеграция. Иқтисодий интеграцияга иккита омил катта таъсир кўрсатади: илмий-техник инқилоб ва трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти.

## Иқтисодий интеграция ҳосил бўлиши ва ривожланишининг беш босқичи

1. Преференциал савдо келишувлари ўзаро савдодаги бож ва бошқа тўсиқларни камайтириш;
2. Тариф ва бошқа чеклашларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини таъсис қилиш;
3. Савдо, меҳнат ва капитал ҳаракатида бир хил тарифлар ўрнатиш билан божхона иттифоқ ташкил қилиш;
4. Иштирокчи давлатлар иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш билан дискриминациясиз иқтисодий иттифоқ;
5. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга тўлиқ интеграция;

Жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнлар ривожланиши бўйича тўпланган тажриба иқтисодий интеграция ҳосил бўлиши ва ривожланишининг қуйидаги тўрт босқичи мавжудлигини кўрсатади:

### *Жадвал 1.*
### *Халқаро иқтисодий интеграция жараёни босқичлари*

| Референциал савдо келишувлари | Эркин савдо худудлари | Божхона иттифоқи | Умумий бозор | Иқтисодий иттифоқ |
|---|---|---|---|---|
| *Ўзаро савдодаги божи ва бошқа тўсиқларни камайтириш* | *Ўзаро савдода тариф ва нотариф тўсиқларни бекор қилиниши* | *Ўзаро савдодаги божхона тарифлари бекор қилинади* | *Товар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати* | *Тўла интеграция, иқтисодий механизмлари бир бирига мослаш* |
| *Учинчи мамлакатларга нисбатан миллий тарифларини сақлаб қолиш* | *Ишлаб чиқариш омилларини давлатлараро эркин ҳаракатланиш учинчи* | *Учинчи мамлакатлар учун тариф ва нотариф бошқарув* | | |
| *Давлатлар аро бошқарув органлари тузилмаган* | *Давлатлараро кичик секретариат тузилади* | *Вазирлик даражасидаги давлатлар аро кенгаш ва секретариат тузилади* | *Давлатлар раҳбарлари учрашуви, вазирлар кенгаши ва секретариат тузилади* | *Давлатлараро бошқарув органлар тузилади* |

*1. Тариф ва бошқа чеклашларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини таъсис қилиш;*

*2. Савдо, меҳнат ва капитал ҳаракатида бир хил тарифлар ўрнатиш билан божхона иттифоқ ташкил қилиш;*

80

*3. Иштирокчи давлатлар иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш билан дискриминациясиз иқтисодий иттифоқ;*

*4. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга тўлиқ интеграция.*

Охирги икки босқич ўз ичида у ёки бу интеграцион гуруҳга хос бўлган томонлар билан боғлиқ маълум кичик босқичларни жамлаши мумкин.

Минтақавий интеграция иккита даражада (алоҳида компаниялар ва давлатлараро даража)рўй беради.



### 16.2. Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишининг ўзига хос томонлари

Иқтисодий интеграция ғарбий Европада энг юқори даражада ривожланган. Объектив иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда ғарбий Европа интеграцияси В. Гюго, И. Кант каби Европа сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона Европа ғояси билан ҳам суғорилган.

81

Европа Иттифокини (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - <u>*Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия*</u> ва <u>*Люксембург*</u> аъзо бўлиб кирган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми эди. Унинг ташкил топиши ва ривожланишининг бошланиш вақти юқорида санаб ўтилган давлатлар томонидан 1957 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИЖ) ва атом энергияси буйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимлар имзоланган пайтдан ҳисобланади.

Европа Иттифоқини (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос кириш қисми эди. Унинг ташкил топиши ва ривожланишининг бошланиш вақти юқорида санаб ўтилган давлатлар томонидан 1957 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИЖ) ва атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимлар имзоланган пайтдан ҳисобланади. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирди. Бу эса кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишига сабаб бўлди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ҳозирги даврача ривожланиши нотекис ва қарама-қаршиликлар билан кечди. Шу билан бирга Европа Иқтисодий Хамжамияти ташкил қилишда унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ҳозирги вақтгача тўлиқ ва муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.



## ЕИХ ёки "Умумий бозор"ни ташкил қилишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода аста-секин барча тўсиқларни олиб ташлаш;
- учинчи давлатлар билан савдода бир хил божхона тарифларини ўрнатиш;
- инсонлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар нинг эркин ҳаракатланишига қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқи тузиш;
- солиқ тизимини унификация қилиш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишини беш босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

*Биринчи босқич* (50-йиллар охиридан - 70-йиллар ўрталаригача). Ҳамжамият ҳаётида "олтин аср" ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи белгиланган муддатидан олдин ташкил этилди, ягона аграр бозори яратилди, ЕИХга учта янги давлат: Буюк Британия, Дания ва Ирландия аъзо бўлиб кирди.

*ЕИҲ ёки "Умумий бозор"ни ташкил қилишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эди;*

*- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода аста-секин барча тўсиқларни олиб ташлаш;*

*- учинчи давлатлар билан савдода бир хил бож тарифларини ўрнатиш;*

*- "инсонлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар" нинг эркин ҳаракатланишига қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш;*

*- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;*

*- валюта иттифоқи тузиш;*

*- солиқ тизимини унификация қилиш;*

*- қонунчиликни яқинлаштириш;*

***- иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.***

Буларни амалга ошириш мақсадида бошқарув структураси мажмуи - ЕИҲ Вазирлар Кенгаши, Европа Ҳамжамияти комиссияси, Европа Кенгаши, Европа Суди, Европа парламенти ташкил қилинди.

ЕИҲнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида аъзо давлатлар ўртасида товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил қилиш вазифасини қўйилди. Бунинг учун Божхона иттифоқи тузилди. Айнан Божхона иттифоқи ЕИҲ, асоси хисобланади. ***Божхона иттифоқи доирасида қуйидагилар амалга оширилди:***

***- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода тўсиқлар олиб ташланди;***

***- учинчи давлатларга нисбатан бир хил божхона тарифи ўрнатилди;***

***- капитал, кредитлар, пул кўчирмаларининг эркин ҳаракатланишига шароит яратилди;***

***- ишчи кучи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.***

Бу чоралар саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Айни пайтда компенсацион йиғимлар ва қишлоқ хўжалиги фонди орқали молиялаштириш ёрдамида умумий протекционизм қўллаш йўли билан аграр соханинг интеграциялашувини амалга оширишга ҳаракат қилинди. ЕИ доирасидаги аграр сиёсат ЕИга аъзо давлатларнинг асосий қишлоқ хўжалик махсулотлари учун бир хил минимал нарх ўрнатишни кафолатлайдиган ягона нархлар тизимига асосланади. Умумий бозорнинг шаклланиши ЕИҲ давлатларининг миллий монополияларини трансмиллий корпорацияларга айланиш жараёнини тезлаштирди, хамкор давлатлар иқтисодиётига киришга имкон яратди. ЕИҲ ривожланиши Ҳамжамият аъзо-давлатларининг ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юзланган очиқ типдаги иқтисодиётга интенсив равишда ўтишини англатади.

***Иккинчи босқич*** **(70-йиллар ўрталари - 80-йиллар ўрталари)** ЕИ тарихига асосан турғунлик даври сифатида кирди. Бу даврда ЕИ аъзо-давлатлари Европа валюта хамкорлиги дастури, ташқи сиёсий консультациялар механизмини қабул қилишга муваффақ бўлсаларда, вужудга келган салбий жиҳатлар ғарбий Европа иқтисодий



интеграциясининг жиддий инқирозига олиб келди. Бу инқироз "евросклероз" номини олди. 70- ва 80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланиш даражаси бўйича фарқ ўсиб борди. 1981 йилда ЕИга Грециянинг кириши билан бу фарқ янада кучайди, чунки ушбу давлат иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа иштирокчи давлатлари иқтисодиётига нисбатан жуда паст даражада эди.

***Иккинчи босқич***
**(70-йиллар ўрталари - 80-йиллар ўрталари)**

70- ва 80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланиш даражаси бўйича фарқ ўсиб борди. 1981 йилда ЕИга Грециянинг кириши билан бу фарқ янада кучайди,

**Учинчи *босқич*** **(80-йилларни 2-чи ярми - 90-йилларнинг боши)** - ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши давлатлар ўртасидаги фарқнинг кўпайишига олиб келди. *ЕИҲ*га аъзо бўлган вақтида Португалияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ЕИҲ даги ўртача даромаднинг тахминан ярмига, Испанияда эса 4 дан 3 қисмига тўғри келарди. Янги иштирокчи давлатларда аҳолининг тахминан бешдан бири қишлоқ хўжалигида ишларди, ЕИҲ да эса ўртача ўн учдан бир киши тўғри келар эди. Шу билан бирга, айнан шу даврда ғарбий Европа интеграцияси янада ривожланди. Бунга биринчи навбатда Ягона Европа акти (ЯЕА)нинг қабул қилиниши сабаб бўлди.

**_Учинчи босқич_ ( 80-йилларни 2-чи ярми – 90 йилларининг боши) – ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи. 1986 йилда _Испания_ ва _Португалия_нинг қўшилиши давлатлар ўртасидаги фарқнинг кўпайишига олиб келади.**

ЯЕАда Ҳамжамият иштирокчи-давлатларининг умумий мақсади - Европа Иттифоқининг ташкил қилиниши яна бир бор тасдиқланди. Европа Иттифоқи Ҳамжамият иштирокчиларининг сиёсий иттифоқи бўлиб, улар ўртасида иқтисодий, валюта-молия, гуманитар соҳаларидаги ҳамкорлиги билан биргаликда ташқи сиёсат, шу жумладан, хавфсизликни таъминлаш соҳасида хам чуқур ҳамкорлик амалга оширилишини назарда тутади. ЯЕАнинг асосий мақсади шундаки, унда ЕИҲ аъзолари ягона хўжалик ташкил қиладиган ягона иқтисодий худудни яратилиши таъкидланган. ЯЕАнинг қабул қилиниши билан Ҳамжамият аъзодавлатлари ўртасида микро- ва макроиктисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграцион жараёнлар кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ аъзо-давлатлари ягона бозор асосларини яратишни амалда тугатдилар ва валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга бевосита яқинлашдилар.

***Тўртинчи босқич*** **(90-йилларнинг ўрталари - XXI аср боши).** Ягона Европа актига мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб Ҳамжамият чегаралари доирасида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий худуд вужудга келди. Бу ЕИ доирасидаги иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англатади.



_Туртинчи босқич_
(90-йилларнинг ўрталари - XXI аср боши).

**Маастрихт Битими (1992 йил февраль) га мувофиқ 1994 йил 1 январдан ЕИҲ Европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага етди- _Австрия,Финляндия, Швеция_ давлатлари аъзо бўлиб кирди (Аҳолиси-372,55 млн., ЯИМ-7270 млрд. долл.,ахоли жон бошига ЯИМ -13594 долл.)**

**2002 й. 1 январдан 12 давлатда (Буюк Британия, Италия, Даниядан ташқари), 2007 й. 1январдан Словенияда (13 –нчи давлатда ) ягона валюта – ЕВРОга ўтилди.**

Маастрихт Битими (1992 йил февраль) га мувофиқ 1994 йил 1 январдан ЕИҲ Европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага етди.(Аҳолиси-325 млн., ЯИМ-4414 млрд. долл.,ахоли жон бошига ЯИМ -13594 долл.) ЕИ доирасида ягона ички бозорнинг тузилиши амалга оширилмоқда. Маастрихт битимида интеграцион ҳамкорликнинг кейинги босқичларини мақсадлари (Ягона валюта - ЕВРОни эмиссия қилиш ҳуқуқига эга ягона Европа банкини тузиш, ички чегараларсиз ягона ғарбий Европа ҳудудини ташкил қилиш) эълон қилинган эди ва 2002 й. 1 январдан 12 давлатда (Буюк Британия, Италия, Даниядан ташқари), 2007 й. 1январдан Словенияда ягона валюта – ЕВРОга ўтилди.

*Бешинчи босқич* **(2004 йил май-2007йил январ ).** Маълумки, 2004 йил 1 майдан Европа Иттифоқига Чехия, Словения, Словакия, Венгрия, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Кипр, Мальта, 2007 йил 1 январдан Болгария, Румыния давлатлари аъзо бўлиб кирди. Шундай қилиб, ЕИнинг аъзоларининг сони 27тага етди ва аъзо давлатларнинг аҳолиси 487 млн. кишини ташкил қилди. Бу ўзгаришлар ЕИнинг янада ривожланишининг белгиларидан биридир.

***Бешинчи босқич***
**(2004 йил май – 2007 йил январ).**

**Маълумки, 2004 йил 1 майдан Европа Иттифоқига *Чехия, Словения, Словакия, Венгрия, Польша, Литва, Латвия, Эстония, Кипр, Мальта,* 2007 йил 1 январдан эса *Болгария, Руминия* давлатлари аъзо бўлиб кирди. Шундай қилиб, ЕИнинг аъзоларининг сони 27тага етади ва аъзо давлатларининг аҳолиси 487 млн. Кишини ташкил қилади. Бу ўзгаришлар ЕИнинг янада ривожланишининг белгиларидан биридир.**

### 16.3. Минтақавий иқтисодий интеграциянинг асосий белгилари (НАФТА, МЕРКОСУР, өзихва б.).

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси муваффақиятли ривожланиши жаҳоннинг бошқа ривожланаётган минтақаларида эътиборни жалб қилди. Лотин Америкасида, Африкада ва Осиёда ўттиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Аммо энг сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён **Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни** ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш жараёни бўлди. АҚШ билан Канада ўртасидаги мавжуд бўлган иқтисодий интеграция ва уларнинг ғарбий Европадаги давлатлар билан ҳамкорлиги АҚШни коникткрмай қўйди. Натижада 1994 йил 1 январда кучга кирган **Шимолий Америка эркин савдо зонаси ҳақидаги** шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам қўшилди. Блок ҳудуди 370 млн. аҳоли ва кучли иқтисодий салоҳиятга эга ҳудудни қамраб олади. Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар тахминан 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. Улар улушига жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 20% ига яқини тўғри келади.



## Жадвал 2. ЕИ ва НАФТАнинг асосий кўрсаткичлари, 90-йиллари ўртасида

| Кўрсаткичлар | ЕИ (15 мамлакат) | НАФТА |
|---|---|---|
| Ҳудуди, минг кв.км. | 3232,0 | 13 522,0 |
| Аҳолиси, млн. киши | 372,5 | 378,0 |
| ЯИМ, млрд. долл. | 7250,0 | 8500,0 |
| Жаҳон ЯИМидаги улуши,% | 20,5 | 24,0 |

Интеграцион жараёнлар Жанубий Америкада ҳам фаоллашмоқда. Ўз даврида (60-йиллар бошида) бу ерда "эркин савдо зонаси"ни яратиш, сўнгра Марказий Америка умумий бозори - МАУБни ташкил қилиш режалаштирилган эди. Бироқ сиёсий ва иқтисодий инқироз бу режаларни амалга оширишга имкон бермади.

90-йиллар ўрталарида интеграцион жараёнлар 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида тузилган ва 1995 йил 1 январда кучга кирган "МЕРКОСУР" савдо пакти тузиш орқали фаоллашди. Бу пакт умумий аҳолиси 200 млн. кишидан кўп бўлган ва умумий ЯИМси 550 млрд. долл. бўлган давлатларни бирлаштирувчи янги йирик минтақавий савдо-иқтисодий блок тузилишига олиб келиши керак.

МЕРКОСУР гуруҳи тузилиши натижасида тўрт давлат ўзаро савдосининг 90%и тарифли тўсиқлардан озод қилинади, учинчи давлатлардан импортга эса бир хил тариф структураси ва божхона коидалари киритилади.

Ўз минтақаларида интеграцион жараёнларни ривожлантиришга Африка давлатлари ҳам интилмоқдалар. 1989 йилда Африка қитъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш ва Тунис иштирокида Араб Магриби Иттифоқи ташкил

қилинган. Бу иттифоқ ҳақидаги шартнома минтақавий интеграция даражасида кенг миқёсда иқтисодий ҳамкорликни амалга оширилишини назарда тутади.

XX аср охирида Шарқий Осиёда ҳам интеграция жараёнлари кучаймоқда. Тўрт Осиё "аждарҳолари" дан бири - Сингапур, шунингдек янги оқим ЯИД - Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ,Филиппин ҳамда Вьетнам,Мьянма, Лаос кирган **Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН)** қарийб 30 йил мобайнида энг муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу гурух доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти АСЕАН иштирокчи-давлатлари кўпчилигининг иқтисодиёти гуркираб ўсиши, улар ривожланишининг бир-бирига мослиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ тарих анъаналарига эга бўлган ўзаро савдо алоқалари, шунингдек тартибга солиб бўлинган хамкорлик шакли билан чамбарчас боғлиқ.

АСЕАН режаларида 2000 йилгача иштирокчи давлатлар божларини 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5% гача қисқартириш мўлжалланган эди. 1995 йил охирида 2003 йилга келиб эркин савдо зонаси ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Шарқий Осиёда иқтисодий интеграция ривожланиши истиқболларини кўп жихатдан **Осиё -Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик** ташкилоти (**ОТИҲ**)нинг тузилиши билан боғлашади. Унга Осиё, шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 21давлати (Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Гонконг,Тайвань, Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Бруней, Сингапур, Индонезия, Филиппин, Папуа-янги Гвинея, Австралия, Янги Зеландия, АҚШ, Канада, Мексика, Перу, Чили) аъзо бўлиб кирган эди.

ОТИХ, режаларига мувофиқ 2020 йилга келиб, жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиқларсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган кўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли эканлиги ва ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграцион муносабатлар ҳозирча унчалик ривожланган эмас. Масалан, АСЕАН тизимидаги савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, тариф ва тарифли тўсиқларсиз эркин савдо зоналарига киритиш мумкин. ОТИҲга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин



иқтисодий ассоциация" деб айтиш мумкин. Айни пайтда, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши бутун Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради.

Интеграцияга, яъни, ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилиш Форс кўрфазидаги Араб давлатлари орасида ҳам кузатилмоқда. 1981 йилдан Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон ("нефть олтилиги")ни ўз ичига олган Ҳамкорлик Кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

1992 йилда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ-ЭКО) ташкил қилиниши ҳақида эълон қилинди. Уни ташкил қилиш таклифини Эрон, Покистон ва Туркия киритди. Таъсисчилар фикрича, ИХТ-ЭКО ўзида МДҲ республикалари - Ўрта Осиё, Қозоғистон, Озорбайжонни ҳам бирлаштириладиган булажак Марказий Осиё умумий бозорининг тимсоли бўлмоғи лозим эди.

ЕврАзЭс интеграцион ташкилоти Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ҳамкорлик йўли билан ҳал этиш учун тузилди.

**ЕврАзЭс интеграцион ташкилоти *Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Қирғизистон, Тожикистон* ва *Ўзбекистон* давлатлари томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ҳамкорлик йўли билан ҳал этиш учун тузилди.**

Ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари ҳақида гапирганда, шуни назарда тўтиш керакки, реал интеграцион жараёнлар ҳали нисбатан заиф ва бир-биридан характери, ҳаракатлантирувчи омили, ривожланиш суръатлари билан фарқ қилади. Ривожланаётган давлатларда амалда интеграция ҳақиқий, ривожланган кўринишда, яъни, доимо ривожланаётган ва чуқурлашаётган ҳам алоҳида фирма ва корхоналар даражасида ҳам умуман миллий хўжаликлар даражасидаги бевосита давлатлараро алоқалар шаклланиш жараёни мавжуд эмас. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар эълон қилган интеграцион мақсадлар, интеграцион жараённинг тайёргарлик босқичи, холос. Эълон қилинган интеграцион гуруҳларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етук эмаслиги, миллий хўжаликларнинг оддий ва структуравий дифференциясизлигини, бозор ва молиявий инфраструктураларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё ҳаракатсиз қолдирди ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратди.

**Назорат учун саволлар:**

Иқтисодий интеграциянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
Интеграциянинг қандай босқичлари мавжуд?
Интеграцион жараёнлар миллий иқтисодиётлар ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
ЕИ қачон ва қайси давлатлар томонидан ташкил этилган?
Жаҳондаги интеграцион бирлашмалар ҳақида гапириб беринг.
НАФТА тузилишидан асосий мақсад нима бўлган.
АСЕАН га қайси давлатлар аъзо?

**Адабиётлар:**


- Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Т. Узбекистон,. 1996
- Каримов И.А. "Узбекистон 21 асрга интилмоқда" Т. Узбекистон,. 1999
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: "Узбекистон", 2005й.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отнош. Учебник. 2004г.





- Булатов А.С. Мировая экономика. Учебник. Юристь. 2003 г.
- Ломакин В. Юнити-Дана. Мировая экономика. Учебник. 2004 г.
- Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. С.-П., 2003 г.
- Спиридонов И.А. Мировая экономика. Уч. пос. Инфра-М. 2004 г.


**Интернет-ресурслар:**

www.cer.ru.
www.gov.uz.
www.wto.org

**Пре-тест ва пост-тест саволлари**

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар классификацияси қуйидагича:
**а) ривожланган, ривожланаётган, классик ривожланаётган, бозор иқтисодиётига ўтиш даврдаги давлатлар;**
**б) ривожланган, ривожланаётган, ЯИМ;**
**в) ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар;**
**г) катта еттилик давлатлари, ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар, янги индустриал давлатлар.**

2. Жаҳон хўжалиги тушунчаси нимани англатади?
**а) миллий хўжаликлар йиғиндиси;**
**б) халқ хўжалигининг йиғиндиси;**
**в) халқаро иқтисодий муносабатлар йиғиндиси;**
**г) мамлакатлар гуруҳлари.**

3. Эркин бозор иқтисодиётининг классик модели қайси модели қайси даврларга тегишли:
**а) XX-XXI асрлар;**
**б) XIX-XX асрлар;**
**в) XVIII-XX асрлар;**
**г) XVI-XVII асрлар.**

4. Кейнснинг талаб иқтисодиёти модели нечанчи йилларга тегишли:
**а) 1950-1985;**
**б) 1885-1923;**

**в) 1920-1980;**
**г) 1930-1970.**

5. Нолиберал инглиз-саксон модели қуйидаги давлатларга тегишли:
**а) ЕИ, Канада, Исроил, АҚШ, Япония;**
**б) Германия, Япония, Англия, Италия, АҚШ;**
**в) АҚШ, Буюк Британия, Ирландия, Чили, Янги Зеландия;**
**г) Хитой, Буюк Британия, Ҳиндистон, Италия, Аргентина, Франция.**

6. Ижтимоий бозор иқтисодиёти модели қайси давлатларга хос?
**а) АҚШ, Ирландия, Россия, Куба;**
**б) ХХР, Япония, Канада, Исроил;**
**в) Малайзия, АҚШ, Вьетнам, Исроил;**
**г) ЕИ, Канада, Исроил.**

7. Канада қайси интеграцион гуруҳга аъзо?
**а) НАФТА;**
**б) ЕИ;**
**в) АСЕАН;**
**г) Меркосур.**

8. Дуглас Макартур қайси давлатда ислоҳотлар олиб борган:
**а) Италия;**
**б) АҚШ;**
**в) Германия;**
**г) Япония.**

9. АҚШ экспортининг асосий кўринишлари қайсилардан иборат?
**а) хизматлар экспорти;**
**б) саноат маҳсулотлари;**
**в) капитал экспорти;**
**г) халқ хўжалиги товарлари экспорти.**



10. Янги индустриал давлатларнинг иқтисодий ўсишининг сабаблари:
**а) янги технологияларданфойдаланиш;**
**б) оғир саноатни ривожлантириш;**
**в) иқтисодиётда йирик монополияларнинг мавжудлиги;**
**г) япон капиталининг таъсири.**

11. Янги индустриал давлатларда ишлаб чиқаришнинг қайси тури етакчилик қилади?
**а) йирик саноат;**
**б) майда товар ишлаб чиқариш ривожланганлиги;**
**в) қишлоқ хўжалиги сектори;**
**г) хорижий корхоналар.**

12. Янги индустриал давлатлар жаҳоннинг қайси регионида жойлашган?
**а) Осиё-Тинч океани регионн;**
**б) Африка регионн;**
**в) Лотин Америкаси регионн;**
**г) а ва в жавоблар тўғри.**

13. Африкадаги ривожланаётган давлатларнинг экспортини ташкил этади:
**а) хом-ашё;**
**б) саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари;**
**в) озиқ-овқат маҳсулотлари;**
**г) ишчи кучи экспорти.**

14. Мамлакат ривожланишининг асосий курсаткичлари:
**а) аҳоли жон бошига ўртача даромад**
**б) аҳоли жон бошига ЯИД ҳажми**
**в) миллий хўжалик бўйича ЯИМ ҳажми**
**г) мамлакат ЯМД ҳажми**

15. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий хусусияти нима?
**а) ривожланган саноат;**

**б) кўп укладлилик;**
**в) ривожланган хизмат соҳаси;**
**г) саноати ривожланган мамлакатларга иқтисодиёти тобе;**
**д) ташқи қарзни узиш.**

16. Замонавий жаҳон хўжалиги тизими качон ташкил топган?
**а) 21 аср;**
**б) 20 аср охири, 21 аср бошида;**
**в) 2-чи жаҳон урушидан сунг;**
**г) 18 аср охирида;**
**д) туғри жавоб йук.**

17. НАФТАга аъзо давлатлар:
**а) АҚШ, Канада, Мексика;**
**б) Канада, Бразилия, АҚШ;**
**в) АҚШ, Канада, Панама;**
**г ) Канада, Мексика, Бразилия.**

18. Кам ривожланган мамлакатлар гуруҳини курсатинг.
**а) Тожикистон, Судан, Оман;**
**б) Жазоир, Ирок, Эрон;**
**в) БАА, Гамбия, Гаити;**
**г) Гаити, Яман, Чад;**
**д) Чад, Бутан, Бахрейн.**

**1-оралиқ назорат саволлари**

**Режа:**

**18.1 XXI аср бошида жаҳон иқтисодиётида глобаллашувнинг кучайиш суръатлари.**
**18.2 Жаҳон иқтисодиётида ишчи кучи миграцияси ва унинг муаммолари.**
**18.3 Халқаро капитал миграцияси ва унинг кўринишлари.**
**18.4 Замонавий жаҳон хўжалиги. Жаҳон давлатларининг асосий гуруҳлари.**



**18.5 Очиқ иқтисодиётнинг мазмуни ва моҳияти.**

**2-оралиқ назорат саволлари**

**Режа:**

- **Ривожланаётган давлатларнинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг жаҳон иқтисодиётида туттан ўрни.**
- **Ривожланган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётида туттан ўрни.**
- **Замонавий жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнлар.**
- **Жаҳон иқтисодиётида молия-валюта ва кредит муносабатлари, унинг кўринишлари.**
- **Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатларидаги интеграцион жараёнлар.**

**"Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" фани бўйича тест саволлари**

**1. Жаҳон иқтисодиёти фани нимани ўрганади?**
а) ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини;
б) ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини;
в) "янги индустриал" мамлакатлар иқтисодиётини;
г) дунёнинг турли мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш йўлларини, ўзига хос хуссиятларини.

**2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш даври қайси асрларга тўғри келади?**
а) XIY аср охири - XY аср бошларига;
б) XI аср охири - XYI аср бошларига;
в) XYI аср охири - XYII аср бошларига;
г) XYIII аср охири - XIX аср бошларига.

**3. Ҳозирги давр жаҳон хўжалигида қандай мулк турлари мавжуд?**
а) ибтидоий жамоа мулки;
а) шахсий мулк;
б) трансмиллий компаниялар мулки;

в) ибтидоий жамоа мулкидан трансмиллий компаниялар мулки.

**4. Иқтисодий ривожланиш йўлига (моделига) кўра қайси давлатлар классик ривожланган давлатлар ҳисобланади?**

а) Швеция, Голландия, Дания, Финландия ва бошқалар;
б) Испания, Португалия, Россия, Норвегия ва бошқалар;
в) Аргентина, Исроил, Мексика, Туркия ва бошқалар;
г) АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқалар.

**5. Бозор иқтисодиёти деярли ривожланмаган давлатлар қайсилар?**

а) Покистон, Эрон, Миср, Ҳиндистон ва бошқалар;
б) Аргентина, Бразилия, Чили, Мексика ва бошқалар;
в) Куба, Тропик Африкаси ва Тинч Океан Ҳавзаси давлатлари;
г) Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари давлатлари.

**6. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг энг кучли уюшмаси қайси?**

а) ОПЕК (нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти);
б) НАФТА (Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси);
в) Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ, ЕХ);
г) Лотин Америкаси Эркин Савдо Ассоциацияси(ЛАЭСА).

**7. “Янги индустриал” давлатлар асосан дунё сиёсий картасининг қайси қисмларида жойлашган?**

а) Европанинг ғарбида;
б) Африканинг шимолида;
в) Осиёнинг жануби шарқида;
г) Осиё Тинч океани минтақасида.

**8. Бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига кўра жаҳондаги давлатлар қандай гуруҳларга бўлинади?**

а) бозор муносабатлари самарали давлатлар;
б) бозор муносабатлари кам самарали давлатлар;
в) бозор муносабатлари энди ривожланиб бораётган давлатлар;
г) юқорида кўрсатилган гуруҳларнинг ҳаммаси.



**9. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қайси қитъада кўп жойлашган?**

а) Осиё қитъасида;
б) Африка қитъасида;
в) Америка қитъасида;
г) Европа қитъасида.

**10. ОПЕК ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ўзларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан асосан қайси мамлакатларни таъминлайди?**

а) асосан ривожланган мамлакатларни;
б) Ривожланаётган мамлакатларни;
в) “Янги индустриал” давлатларни;
г) Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларни.

**11. Ҳозирги кунда рақобатлашувчи мамлакатлар қайсилар?**

а) Осиё ва Шимолий Африка;
б) АҚШ-Ғарбий Европа ва Япония;
в) Шарқий Европа ва Ўрта Шарқ;
г) Лотин Америкаси ва Яқин Шарқ маркази.

**12. Ривожланаётган мамлакатлар асосан дунёнинг қайси қитъаларида жойлашган?**

а) Осиё, Африка ва Лотин Америкасида;
б) Европада;
в) Шимолий Америкада;
г) Европа ва Осиёда.

**13. “Янги индустриал” мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш сабаблари?**

а) оғир саноатни ривожланиши;
б) илмий-техника тараққиёти ва бошқарувнинг замонавий усули;
в) қишлоқ хўжалиги тез ривожланиши;
г) ҳарбий саноатни ривожланиши;

**14. Африкадаги ривожланаётган давлатларга хос бўлган хусусиятларни топинг?**
а) ташқи бозорларни кенгайтириш;
б) оғир саноатни ривожлантириш;
в) мустамлакачилик қолдиқларининг мавжудлиги;
г) енгил саноатни ривожлантириш.

**15. Ҳозирги кунда Ҳиндистон Республикаси ўз ривожланишига кўра қандай мамлакат?**
а) индустриал;
б) аграр;
в) аграр-индустриал;
г) индустриал-аграр.

**16. Яқин Шарқ мамлакатларнинг асосий бойлиги нима?**
а) тошкўмир;
б) энергетика;
в) кора ва рангли металл;
г) нефть.

**17. Яқин Шарқ мамлакатларнинг энг кўп нефть қазиб олувчи давлатларини топинг?**
а) Эрон;
б) Кувайт;
в) Бирлашган Араб Амирликлари;
б) Саудия Арабистони.

**18. Мисрда бозор иқтисодиётига кенг йўл қачон очилган эди?**
а) 50-йиллар охирида;
б) 70-йиллар бошида;
в) 60-йилларда;
г) 80-йиллар бошида;

**19. Туркия Республикасида Ўзбекистонга ўрнак бўладиган қандай сиёсат мавжуд?**



а) оғир саноатни ривожлантириш;
б) давлат бошқарув сиёсати;
в) солиқ сиёсати;
г) енгил саноатни ривожлантириш.

**20. Африканинг ривожланаётган давлатлари иқтисодий жиҳатдан қандай давлатлар қаторига киради?**
а) аграр индустриал;
б) индустриал аграр;
в) индустриал;
г) аграр хом-ашё етказиб берувчи.

**21. Африканинг ривожланаётган мамлакатларининг асосий бойлигини топинг?**
а) енгил саноат моллари;
б) қишлоқ хўжалиги моллари;
в) ер ости қазилма бойликлари;
г) туризмдан келаётган фойда.

**22. Африканинг саноати ривожланган мамлакатлари қайсилар?**
а) ЖАР, Тунис, Марокаш ва бошқалар;
б) Сомали, Руанда, Брунди, Огизда ва бошқалар;
в) Мавритания, Габон, Намибия ва бошқалар;
г) Чад, Гвиния, Мали ва бошқалар.

**23. Ҳозирги кунда Африканинг ривожланаётган мамлакатлари жаҳоннинг қайси давлатлари билан иқтисодий муносабатларни кучайтирмоқда?**
а) Европанинг ривожланган мамлакатлари билан;
б) Шимолий Америка давлатлари билан;
в) Араб мамлакатлари ва Янги Индустриал давлатлари билан;
г) Лотин Америкаси давлатлари билан.

**24. Куба Социалистик Республикаси иқтисодий ривожланиши жиҳатидан Лотин Америкаси мамлакатлари ичида қандай давлатлар қаторига киради?**

а) индустриал – аграр;
б) аграр;
в) аграр-индустриал;
г) индустриал.

**25. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг қайси тармоқлари устунлик қилади?**
а) чорвачилик;
б) ипакчилик;
в) деҳқончилик;
г) боғдорчилик.

**26. Ўзбекистон иқтисодиётида саноатнинг қайси тармоқлари устунлик қилади?**
а) энергетика;
б) газ саноати;
в) нефть;
г) тоғ-кон саноати.

**27. Халқаро иқтисодий муносабатлар фани нимани ўрганади?**
а) жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни;
б) халқаро давлатлар ўртасидаги муносабатларни;
в) давлатлараро иқтисодий муносабатларни;
г) давлатлараро муносабатларни.

**28. Вакиллар (Резидентлар) узоқ йиллар давомида у ёки бу мамлакатларда яшовчи давлатни ишончли кишиларидир. Вакил сифатида улар гувоҳ бўлиши мумкин?**
а) жисмоний шахс;
б) юридик шахс;
в) жисмоний ва юридик шахс;
г) давлат хизматчиси.

**29. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган белгилари қайсилар?**



а) фуқаролик;
б) келган жойи;
в) фаолият кўрсатиш жойи;
г) фаолият кўрсатиш муҳлати.

**30. Россия Федерацияси территориясида Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан АҚШ га товар чиқариш операцияси.**
а) халқаро савдо;
б) ички савдо;
в) аралаш савдо;
г) давлат божи.

**31. Ташқи савдода қуйидаги томондан қатнашади?**
а) сотувчи ва харидор;
б) мамлакат вакиллари резидентлар;
в) савдо қилувчи давлат вакиллари;
г) савдо палаталари.

**32. Халқаро савдони ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар.**
а) рақобатбоп экспорт қилинаётган товарларни вужудга келиши учун мамлакатда шарт-шароитни мавжудлиги;
б) ташқи ва ички бозорлардаги нархларнинг тафовути;
в) хом ашё баҳоси сифати;
г) хом ашё сифати.

**33. Ривожланган мамлакатлар машинасозлигида экспорт неча фоизни ташкил қилади?**
а) 50%;
б) 70%;
в) 75-90%;
г) 30%.

**34. Ташқи савдони қайси давлат бошқаруви амалга оширади?**
а) мамлакатдаги алоҳида давлат органлари;
б) давлатлараро шартнома, келишувларга асосланган давлат

органлари;
в) халқаро ташкилотлар;
г) клиринг компаниялари.

**35. Божхона қайси хизматидан фойдаланилади?**
а) чет эл товарларини ички бозорга эркин кириш режимини юритиш учун;
б) экспортни тартибга солиш учун;
в) товарлар экспортини чегаралаш учун;
г) импортни тартибга солиш учун.

**36. Халқаро савдони ривожланиши дунё мамлакатларини кўпроқ нималар қилди?**
а) мустақил қилди;
б) ўзаро боғлаб қўйди;
в) ажратиб қўйди;
г) ўқувсиз қилиб қўйди.

**37. Ривожланаётган мамлакатларнинг сиёсий мустақиллиги нималар билан боғлиқ?**
а) иқтисодий мустақиллик билан;
б) бошқа давлатлардан мустақил ривожланиши билан;
в) бошқа давлатлар олдидаги аниқ мажбуриятлари билан;
г) мустақил ривожланиши билан.

**38. Халқаро иқтисодий муносабатлар неча турга бўлинади?**
а) 3 турга;
б) 4 турга;
в) 6 турга;
г) 5 турга.

**39. Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар улуши қанчани ташкил қилади?**
а) 0.67;
б) 0.5;
в) 0.25;



г) 0.3.

**40. Шарқий Европа мамлакатларини савдо сотиқда қўллайдиган ўзаро принциплар нималар?**
а) кўп томонлик клиринг;
б) ўзаро шартномалар;
в) томонлар келишуви;
г) кўп томонлама келишув.

**41. Халқаро валюта- кредит алоқалар иқтисодий муносабатларни барчасида қандай ифодаланади?**

а) фаолиятдаги миллий валюталар жаҳон хўжалигида алоҳида йиғилади;
б) бартер алмашишини асалаш фойдаланиши;
в) мажбуриятлар ва акцияларнинг алмашиши;
г) валюта муносабатлари.

**42. Валюта паритети- бу..**
а) валюталар курсининг алмашувини ўзаро боғлиқлиги;
б) ўзаро иккита валютанинг боғлиқлиги;
в) валюталар биржаси курсларнинг ўзаро нисбати;
г) икки ёки ундан ортиқ валюталарнинг ўзаро боғлиқлиги.

**43. Валюта курси нималарга таъсир қилади?**
а) бозорларда баҳони ташкил қилишда таъсир қилмайди;
б) экспорт ва импорт баҳо нисбатига ўзаро таъсир этади;
в) фақат фирма даромадларига таъсир қилади;
г) импортга таъсир қилади.

**44. Адам Смит ўзининг "Эркин савдо " назариясини қачон яратди?**
а) 16- асрда;
б) 17-аср охирида;
в) 18-асрда;
г) 19- аср бошида.

**45. Адам Смит аниклашича миллат ва халкларнинг асосий бойлиги бўлиб хизмат килади.**

а) мехнат таксимоти;
б) хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги;
в) миллий даромад;
г) давлат бюджети.

**46. Ҳар бир мамлакат товарлар ишлаб чикаришда мутахассислашган бўлиши учун қандай шароитга эга бўлиши керак.**

а) нисбий устунлик;
б) мутлок устунлик (Абсолют);
в) ресурслар мавжудлиги;
г) инсон ресурслари мавжудлиги.

**47. Капитал олиб чиқиш деб.**

а) чет эл иктисодиётига капитал қўйиш;
б) чет эл банкларини кредитлаштириш;
в) хорижий инвесторлаштириш ва кредитлаштириш жараёнини;
г) чет эл банкларига миллий валютани қўйиш жараёни

**48. Капитал олиб чиқишдан келган фойда қуйидагича ҳосил бўлади.**

а) капитал олиб чиққан мамлакат;
б) капитал қўйган мамлакат;
в) иккала мамлакат учун;
г) валюта операция ҳисобида.

**49. Жаҳон валюта тизими нималарга таянади.**

а) мамлакатларнинг алоҳида миллий валютасига;
б) битта ёки бир неча валюта захираларига;
в) АҚШ валютасига;
г) ЭКЮга



**ГЛОССАРИЙ**

**Аванслаш** — етказиб бериладиган товарлар учун импортёр томонидан олдиндан ҳақ тўлашдан иборат. Экспортёр учун фойдали ўзаро ҳисоб-китоб кўриниши ҳисобланади.

**Аккредитив** — мижознинг илтимосига кўра банк томонидан ҳужжатда кўрсатилган шартларда учинчи шахс (бенифициар)га тўловни амалга ошириш ёки бенифициар томонидан қўйилган ўтказма векселни (тратта) тўлашни амалга ошириш (акцепт) бўйича банк мажурияти бўйича битим.

**Акцепт** — битим амалга ошганлигини англатувчи офертани қабул қилинганлигига розилик бериш.

**Акциз** — давлат органлари томонидан белгиланадиган товар божхона қийматига нарх қўшимчаси.

**Андеррайтерлар** — молия бозоридаги мувофиқлаштирилган курс бўйича заёмни жойлаштирувчи гарант компаниялар.

**Банк ўтказмалари** — ўтказувчи (тўловчи) талабига мувофиқ унинг ҳасобидан олувчи (бенифициар) фойдасига бир банк томонидан бошқа банкка тўлов талаблари воситасида бажариладиган ҳисоб-китоб кўриниши.

**Бартер** — товарни товарга тўғридан-тўғри айирбошланадиган савдо битими.

**Божхона божи** — товар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган махсус пул солиғи.

**Божхона иттифоқи** — икки ва ундан ортиқ давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан солдалаштирилган тариф сиёсатини ўтказишидир.

**Божхона тарифи** — товар оқимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган солиқ миқдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

**Буфер захиралари** — салбий иқтисодий тамойилларнинг миллий иқтисодиётга таъсири ва фавқулодда вазиятлар учун моддий бойликларнинг жами.

**Валюта** — маълум бир давлатнинг қонуни билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама хисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.

**Валюта арбитражи** — своплар ва ссуда капитали бозорида битимлар биргаликда амалга оширилишини назарда тутувчи банклараро операциялар.

**Валюта бозорлари** — миллий валюта иштирокида талаб ва таклиф таъсирида юзага келувчи валюта курсига мувофиқ хорижий валюталарини олди-сотди қилинадиган расмий марказлар.

**Валюта интервенцияси** — давлат органлари томонидан миллий бозорда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш.

**Валюта клиринги** — икки ва ундан ортиқ ҳукуматлар ўртасида молиявий талаблар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш ҳақида келишув.

**Валюта котировкаси** — бир валюта баҳосини бошқа валюталарда ифодаланишининг сонли ёзуви.

**Валюта курси** — миллий валюталар ўртасидаги нисбат, бир мамлакат валютасининг хорижий пул бирликларида ифодаланиши.



**Валюта позицияси** — банкнинг хорижий валюта талаб ва мажбуриятлари нисбати.

**Валюта режими** — валюта айирбошлаш курсини аниқлаш асосидаги механизм.

**Валюта резервлари** — хорижий валюта, олтин, СДР, ХВФдаги резерв позиция кўринишидаги валюта-ликвид воситаларнинг жами.

**Валюта сиёсати** — мамлакатда хорижий валюталарнинг пул-кредит айланмасини тартибга солишга йўналтирилган тадбирлар тизими.

**Валюта хатари** — валюта курси ўзгариши оқибатида экспортёр, импортёрнинг зарар кўриш имконияти.

**Валюта чекловлари** — хориж валютаси ва бошқа қимматли нарсалар (олтин) бўйича операцияларни чеклаш учун йўналтирилган маъмурий ва қонуний тартибга белгиланган меъёрий қоидалар тизими.

**Валютанинг конвертирлангавлиги** — миллий валютани хорижий валюталарга резидентлар учун ҳам, резидент бўлмаганлар учун ҳам тўлов балансининг жорий операциялари бўйича алмаштириш имконияти.

**Вексел** — белгиланган кўринишда тузилган ёзма қарздорлик мажбурияти, вексел эгаси унда кўрсатилган муддат тугагандан сўнг белгиланган пул суммасини қарздордан талаб қилишга ҳақли.

**ГАТТ** — Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув — ташқи савдо операцияларини ўтказишда белгиланган тамойилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт.

**Глобал муаммолар** — оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишда жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги

ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

**"Демографик портлаш"** — жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонини ўсиши.

**Девалвация** — миллий валюта курсини хорижий валютага нисбатан пасайтирилиши (тескари жараён — ревалвация).

**Евро** — универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар(Германия, Голландия, Дания, Люксембург, Белгия, Франция, Австрия, Португалия, Испания, Греция, Швеция, Финляндия ва Словения) ҳудудида жорий этилган.

**Европа валюта тизими (ЕВТ)** — ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гуруҳи.

**Европа Иттифоқи** (ЕИ) — Европанинг 27 та давлатини(01/01/07 й.) бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

**Жаҳон баҳоси** - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида ҳосил бўлади.

**Жаҳон бозори** — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол босқичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсирланиш глобал муҳитидир.

**Жаҳон валюта-молия тизими (ЖВМТ)** —халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида узоқ давом этган эволюция натижасида



шаклланган ва давлатлараро битимлар орқали мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш кўринишидир.

**Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ)** — миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграцион айланмаси

**Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЕКОСОС)** — БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

**Иқтисодий интеграция** — ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаш ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

**Иқтисодий иттифоқ** — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

**Иммиграцион квота** — хорижий фуқароларни кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

**Инвестицион муҳит** — мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

**Инжиниринг** — ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектини қуриб, ишга тушириш бўйича хизматлар

**Инкассо** — мижоз (экспортёр) буйруғига кўра жўнатилган товарлар ёки хизматлар учун импортёрдан тўловни қабул қилиш ва бу маблағларни экспортёр ҳисобига ўтказиш операцияси.

**Инновацион фаолият** — Назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат узоқ жараёндир.

**Информация ва технологиялар жаҳон бозори (ИТЖБ)** — интеллектуал фаолият натижалари айирбошлаш халқаро соҳаси.

**Картел** — ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

**Квоталаш** — давлат томонидан экспорт, импортнинг қиймат ва жисмоний ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш амалиёти.

**Клиринг** — қарама-қарши товар оқимларида валютадан фойдаланмасдан (нақдсиз) воситачи орқали ўзаро ҳисоб-китобни назарда тутувчи савдо операцияси.

**Конверсия** — Ҳарбий саноат комплекси корхоналарини фуқароларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

**Консалтинг** — консалтинг фирма томонидан ҳар қандай истеъмолчига кенг кўламдаги маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

**Кредит карточкаси** — электрон банк тизимлари орқали товар ва хизматларни нақдсиз тўлаш инструменти.

**Кросс-курс** — икки хорижий валютани кесишувчи котировкаси, бу валюталарнинг хеч бири курсни белгиловчи битим имзоловчи иштирокчининг миллий валютаси эмас.

**Кўнгилли(ихтиёрий) экспорт чеклашлари (КЕЧ)** - бир ташқи савдо хамкори томонидан иккинчи билан келишилган ҳолда экспорт операциялари ҳажмини чегаралаш.



**Лизинг** — машина, курилмалар, технология ва кўчмас мулкни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун узоқ муддатга ижарага бериш.

**Лицензиялаш** — давлат томонидан ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ташқи иқтисодий операциялар олиб боришга рухсат бериш амалиёти.

**Маржа** — валюта харидори ва сотувчиси курслари ўртасидаги фарқ.

**Маржинал (қўшилган) фойда** — сотиш нархи ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндилари орасидаги фарқ.

**Махсус карз олиш ҳуқуқи** — Халқаро валюта фондининг махсус ҳисобларидаги кредит ёзувлари кўринишидаги халқаро активлар (яъни захира ва тўлов воситалар) бўлиб, уларнинг миқдори ХВФга аъзо-мамлакатларнинг квоталарига мос келади.

**Монетаризм** — бу назарияга кўра, давлат томонидан пул массаси ўсиш суръатларини барқарор ушлаб туриш (йилига 3-5 фоиз) ва давлат харажатларини қисқартириш хусусий капитал учун бир иқтисодиётдан бошқасига эркин оқиб ўтиш каналларини очади, бу янги иш жойларини яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

**Мониторинг (хўжалик)** — жами иқтисодий кўрсаткичларни кузатиш ва статистик ишлов бериш жараёни.

**"Мия оқуви"** — мамлакатдан "интеллектуал элита" вакилларини чет элда ишга жойлаш иш мақсадида чиқиб кетиши.

**Мутлоқ афзаллик**— хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чиқариш харажатлари миқдорининг турличалигидан (масалан, бир жуғрофий шароитга эга бўлмаслик) фойдаланиши туфайли кўрган фойдаси.

**Нарх** — товарнинг ижтимоий фойдалилиги, қийматининг пул бирлигида ифодаланиши.

**Нисбий афзаллик** — хўжалик субъектлари (мамлакатлар)нинг ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидаги нисбий фарқдан фойдаланиши туфайли кўрган фойдаси.

**Ноу-хау** — муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги** — миллий ва глобал эхтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

**Оферта** — аниқ шарт-шароитлар асосида битим тузиш таклифи.

**Оффшор худудлар** — миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширишмайди.

**Очиқ хисоб** — хисоб-китоб товар импортёр томонидан олингандан сўнг амалга ошириладиган форма. Экспортёр импортёрга хисоб-фактурани хужжатлар билан биргаликда почта орқали банклар иштирокисиз юборади.

**Панжаралаш (хеджирование)** — валюта хатарларини суғурталаш усуллари мажмуи.

**Портфел инвестициялар** — хўжалик объектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

**Протекционизм** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.

**Резидент** — фуқаролиги ва паспорт статусидан катъий назар давлат худудида бир йилдан ошиқ яшаган жисмоний ва хуқуқий шахс тушунилади (бу мамлакатда штаб-квартирага эга бўлган дипломатик

116

миссия ишчилари, ҳарбий персонал ва халқаро ташкилотлар ходимларидан ташқари).

**Ролловер кредитлар** — асосий миқдор, қўшимча (маржа) ва комиссион тўловлардан таркиб топган фоиз ставкасини қайта кўриш мумкин бўлган ҳолда ссуда бериш.

**Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД)** — БМТ тизими доирасидаги савдо ва тараққиёт бўйича махсус муассаса.

**Савдода энг қулай шароит яратиш режими** — мамлакатлар ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

**Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО)** — БМТ тизими доирасидаги саноат тараққиёти бўйича махсус муассаса.

**Своп** — форвард битими ва спот шарти бўйича битим асосида амалга ошадиган турли хилдаги валюта операциялари

**Спот** — битимни имзолаш пайтида контрагентлар қайд этган курс бўйича валютани дарҳол етказиб бериш билан боғлиқ касса операциялари.

**Суғурта кафолати** — маълум бонус эвазига суғурта компаниясининг экспортёрлар (кредиторлар)га зарарни қоплаш ҳақида мажбурияти.

**Ташқи қарздорлик инқирози** — давлат томонидан ташқи қарзлар ва заёмларни тўлаш графигини бузилиши.

**Ташқи савдо сиёсати** — экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

117

**ТИФни тартибга солишнинг тарифли усуллари** — солик чеклашлари (божхона йиғимлари, божлар, акцизлар ва бошқалар) ёрдамида ташки савдога таъсир ўтказиш воситалари йиғиндиси.

**ТИФни тартибга солишнинг тарифсиз усуллари** — ташқи савдога таъсир ўтказишнинг бевосита, маъмурий воситалари гурухи (квоталаш, лицензиялаш, техник стандартларни жорий қилиш, санитар меъёрлар ва бошқалар).

**Трансмиллий корпорациялар (ТМК)** - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

**Тўғри инвестициялар** — фойда олиш билан биргаликда капитал қўйилаётган объект устидан назоратни таъминлаш хуқуқини берувчи капитал қўйилмалари.

**Тўлов баланси** — мамлакатнинг барча резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралиғидаги (одатда бир йил) иқтисодий битимлари натижаларини систематизациялаштирилган холда қайд этилишидир.

**Тўлов балансининг асосий моддалари** - товар ва хизматлар экспорт-импорти, хорижий инвестиция капитали харакатини ўз ичига олади.

**Тўлов балансининг балансловчи моддалари** — валюта захираларининг ҳаракати, қисқа муддатли активлар ҳажмининг ўзгариши, давлат қарзлари ва кредитлари, икки томонлама битимлар ҳамда халқаро ташкилотлар линияси бўйича молиявий ёрдамларни акс эттиради.

**Умумжаҳон банки** — ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

**Умумий бозор** — ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.



**УСТ** — Умумжаҳон савдо ташкилоти — халқаро савдони институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

**Факторинг** — банк ёки фактор-компанияларнинг махсулот етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китобларда етказиб берувчининг моливий талабини қарзни кейинчалик харидордан ундириб олиш йўли билан тўлаш воситасидаги жами воситачилик операциялари.

**Фиксинг** — бу ҳар бир валютага талаб ва таклиф ҳажмини навбатма-навбат солиштириш орқали валюталарнинг банклараро курсини аниқлаш ва қайд этиш жараёни.

**Форвард** — битим имзолангандан кейин икки кун давр учун қатнашчилар томонидан хатарларни суғурталаш мақсадида келишилган курс бўйича банклараро валюта-молиявий операциялар.

**Форфетирлаш** —бир компаниянинг тижорий ҳуқуқларини бошқа компанияга нақд тўлов билан айирбошлаш.

**Франчайзинг** — бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиши

**Фритред (эркин савдо)** — хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатнинг энг кам даражада аралашуви шароитида ўз фаолиятларини эркин равишда танлашини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.

**Фючерс** — қатнашчилар томонидан хатарларни суғурталаш мақсадида келишилган курс бўйича фонд биржасида бажариладиган тезкор муддатли валюта-молиявий операциялар.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** — йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

**Халқаро иқтисодий муносабатлар** — мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими.

**Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси** — ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг ҳамкорлик қилиши.

**Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви** — мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эхтиёжларидан ортиқча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.

**Халқаро кредит** — валюта ва товар ресурсларини қайтаришлик, тошилинчлик ва тўловлилик шартларида бериш.

**Халқаро савдо** — миллий хўжаликлар ўртасида тўланадиган жами товар айланмаси кўринишидаги меҳнат маҳсулотлари айирбошлашнинг ўзига хос шакли.

**Халқаро товар номенклатураси** — мамлакатлар ўртасида келишилган, таснифланган товар позициялари рўйхати бўлиб, ҳар бир товар позицияси кодлаштирилган рақамларга эга.

**Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР)** — энг ривожланган индустриал мамлакатлар бирлашмаси.

**Халқаро ҳисоб-китоблар** — турли давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлардан келиб чиқувчи пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва тартибга солиш жараёни.



**Харид қобилияти паритети назарияси** — валюта курси икки мамлакат пул бирликларининг нисбий қиймати билан аниқланади, у муомаладаги пул миқдорига боғлиқ. Жумладан, Дж. М. Кейнс таълимотига кўра, давлат томонидан фоиз ставкасини манипуляция қилиш мамлакатга хориждан инвестиция оқимларини қуйидагича ўзгартиради: фоиз ставкаси камайтирилса, ташқи қарзлар ҳажми ортади, фоиз ставкаси оширилса, аксинча, камаяди.

**Хекшер—Олин таълимоти** — мамлакатнинг экспортга ихтисослашуви миллий иқтисодиётдаги ортиқча ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигига асосланган.

**Чек** — чек имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берган ёзма фармойиши.

**Экспорт квотаси** — мамлакат экспорти қийматининг унинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

**Эмбарго** — алоҳида мамлакат ёки давлатлар гуруҳи билан савдони бутунлай тақиқлаш.

**Эркин иқтисодий ҳудудлар** - мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

**Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ)** — преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан ҳоли савдо тартибига риоя қилинади.

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** — маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат ҳудудида яратилган жами қиймат.

**Янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ)** — иқтисодий жиҳатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуруҳи.

**Қарз конверсияси** — қарз мажбуриятларини иккиламчи бозорда ликвидли бўлган қимматли қоғозларга айлантириш.

**Қарзга хизмат кўрсатиш меъёри** — қарзга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва миллий экспорт орасида нисбат

**Қарзни дисконтлаш** — кредитор ва қарз берувчи ўртасида кредит суммасини ёки унинг бир қисмини ўчириш.

**Қарзни реструктуризациялаш** — кредитни тўлаш муддатларини, фоизларни тўлашни орқага суриш орқали чўзиш.